КЎКЛАМНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши. № 81 (13.037).
8 АПРЕЛЬ 1965 йил ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши бош бошқармаси қурилиш ташкилотларининг коллективлари мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан партия ва ҳукумат қарорларини амалга ошира бориб, пудрат ишлари ва асосий шартномалар бўйича биринчи квартал планини бажардилар. Республикада энг йирик ирригация объекти— Хоразм областидаги Тошсоқа магистрал каналининг бош иншооти муддатидан олдин ишга туширилди. Марказий Фарғонада, Сурхондарё областида ва Мирзачўлда суғориладиган янги ерларни тайёрлаш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда.

«Узглавводстрой» қурилиш корхоналарининг коллективлари ҳозир Сурхондарё, Тошкент областларида ва бошқа областларда улкан индустриал қурилиш базасини барпо этмоқда. (ЎзТАГ).

СОЗ ЭКАЙЛИК

Чигит экишнинг қизғин даври келди. Шимолий районларда ҳам сеялкалар далага чиқди. Сурхондарёликлар экишни яримлатиб қўйдилар. Термиз районидаги «Коммунизм» колхозида салкам 2 минг гектар ерга чигит ташланиб бўлди.

Пахтакорларимизнинг руҳи ҳар қачонгидан баланд. «Оқ олтин» диёрининг азаматлари пахтачиликни ривожлантириш йўлида янада каттароқ қадам ташлаш учун зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга чексиз руҳлантириб юборди. Тарихий Пленум коммунистик жамият қуриш йўлидаги курашда муҳим босқич бўлдики, эндиликда пахтакорларимизнинг ҳам ижодий активлиги ошаверади, халқ фаровонлигини кўтариш учун ҳиммат кўрсатиб ишлашга бўлган орзу-тиларклари кучаяверади.

Республикамиз пахтакорлари бу йил она-Ватанга 3 миллион 650 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу катта мажбуриятни тўлдирадиган баракали хирмонга шу кунларда асос солинади. Ҳозирги даврнинг ҳар бир кун ва соати йилнинг мазмунини белгилайди. Буни ҳар бир пахтакор жуда яхши англайди. Шунинг учун ҳам улар етти йиллиқнинг якунловчи йили баҳорини катта тайёргарлик билан кутиб олдилар, агротехника тадбирларини мукаммал амалга ошириш, янгиликни кўпроқ ёйиш, ташкилотчилик, ташаббускорлик намуналарини кўрсатиш учун астойдил курашмоқдалар.

Экиш олдида ва экиш вақтларида муҳим агротехника тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги қувонарлидир. Бу, пахтакорларимизнинг деҳқончилик маданиятини кўтаришга бўлган ҳавас ва интилишларидан далолат бермоқда. Тупроқнинг структурасини яхшилаш, чигитнинг барвақт униб чиқишини таъминлаш учун чигит экиш билан бир вақтда тупроққа минерал ўғитни чириган гўнгга аралаштириб солиш усули кенг қўлланилмоқда. Масалан, Чуст районидаги Ленин номли колхознинг ўзинигина мисолга олиш кифоядир. У ерда 10 та сеялка чигит билан бир вақтда ерга минерал ўғит солиб кетишга мослаштирилган. Ончагина колхоз ва совхозларда экиш олдидан ерни юмшатиб, бегона ўтларнинг илдизини ва ҳашарот уясини йўқотиш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Илғорлар қўлланаётган бу зарур чора-тадбирларни ҳамма ерда амалга ошириш ниҳоятда зарурдир. Шундагина чигитни тез ва соз экиб олган бўламиз. Ҳозирги кунининг энг муҳим вазифаси далаларни пешма-теш тайёрлашдан, карталарни яхшилаб текислашга жиддий эътибор беришдан, ғўзапоя қолдиғи, бегона ўтлар илдизини сира қолдирмай йиғиб олишдан иборатдир. Чигит майин тупроққа, нормадаги нам бўлган жойга тушгандагина хатосиз кўкариб чиқади. Ҳар бир пахтакор ва механизатор, ҳар бир хўжалик раҳбари ва агроном — пахтачилик бойлиги шуғулланувчи ҳар бир киши ана шуни кўзлаб иш тутиши, яхши ишланмаган, кесаклари майдаланмаган майдонларга сеялка киритишга асло йўл қўймаслиги керак.

Лекин баъзи жойларда экишнинг дастлабки давриданоқ жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё областларининг бир қатор колхоз ва совхозларида ерлар экишга сифатли тайёрланмаган. Қорақўл районидаги колхозларнинг анчагина бригадалари сон кетидан қувиб, сифатни унутмоқдалар. Бу ерларда уруғ ё саёз тушмоқда, ёки жуда чуқурга кўмилмоқда. Ҳар икки ҳол ҳам чигитнинг униб чиқишига ёмон таъсир этишини унутмаслик, бундай ҳолларга мутлақо йўл қўймаслик лозим.

Сахий тупроққа уруғ ташланмоқда. Шон-шарафини улуғлаган, пахтачилик касбини дилдан севган, ўзини асил деҳқонман, деган киши шу кунларда мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор қуради. Бу пойдевор шундайки, пахтачиликдаги мавсумий ишларнинг ҳаммаси шунга қараб боради. Экишда йўл қўйилган агротехника камчилигини кейинчалик тузатиш қийин бўлади.

Бу йил катта майдондаги ҳосил машиналарда териб олинади. Шунинг учун асосий майдонга уруғ квадрат-уялаб экилиши керак. Бу усул зўр уюшқоқлик ва масъулиятни талаб қилади. Пахтакор ва механизаторларимиз экиш пайтида янгиликка, фақат янгиликка таянишлари лозим. «Ҳозир қаторлаб экиб, кейин квадрат қилса ҳам бўлади» деган қолоқ фикрга, зарарли хаёлга асло йўл қўймаслик зарур. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари экишнинг қисқа муддатда юқори сифатли ўтказилиши учун ҳамма чора-тадбирларни кўришлари, агрономлар агротехника тадбирларининг тўла-тўкис амалга оширилиши учун ўзларини жавобгар ҳис қилишлари керак.

Республикамизда энди саккиздан бир майдонга чигит экилди. Бу суръат вақт ҳисоби билан қониқарли эмас, албатта. Лекин суръат кетидан қувиш ҳам ярамайди. Бинобарин, тез ва соз экиш пахтакорларимизнинг жанговар шиори бўлмоғи керак. Ҳамма техника соз ишласин, экиш агрегатлари бирор ерда сабабсиз тўхтаб қолмасин.

Колхоз ва совхозларнинг партия ва комсомол ташкилотлари далада оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборишга яқиндан бошчилик қилишлари, партиямиз Марказий Комитетининг март Пленуми материалларини меҳнаткашларга янада чуқурроқ тушунтириб боришлари, уларда меҳнат кўтаринкилигини авж олдиришда ташкилотчи бўлишлари керак.

Республикамиз партия активи йиғилиши партиямиз Марказий Комитети март Пленуми қарорларини асосида қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантиришнинг конкрет вазифаларини белгилади. Актив йиғилиши қабул қилган қарорда март Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш кўклам даврида қишлоқ хўжалик ишларининг уюштирилишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Демак, чигит экишни қисқа муддатда, муҳим агротехника талаблари даражасида юқори сифатли ўтказиш тарихий Пленум нўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида натта қадам бўлади.

Бутун куч ва техникани пахта далаларига сафарбар этайлик, чигитни тез ва соз экиб олайлик!

КАРШИ районидаги «Партия XX съезди» совхозининг Умар Шарипов бошлиқ бригада пахтакорлари бу йил 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» олиш ҳақида сўз беришган. Бригадада чигит экишга яхши тайёргарлик кўрилди. Экиш агрегатлари созлаб қўйилди. Суратда (чапдан): илғор механизаторлар Н. Тожиддинов ва Р. Саодатов. А. Тўраев фотоси.

«КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИ ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛДИ

Термиз районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари областда биринчи бўлиб чигит экиш планини бажардилар. 1850 гектар ернинг асосий қисмига чигит квадрат-уялаб экилди. Дастлаб экилган 200 гектар ердаги уруғ униб чиқди.

Коммунизмчилар экишга барвақт тайёргарлик кўрган эдилар. 21 трактор сеялкаси, 80 га яқин механизатор унумли ишлади. Ҳозир сув талаб қилган майдонлар суғорилмоқда. Колхозчиларнинг битун диққат-эътибори 1 Майгача барча майдонда чигитни текис ундириб олишга, ғўзанинг дастлабки комплекс парваришини муваффақиятли ўтказишга қаратилган.

— Биз дейди, — колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор Раҳмон Файзиев, — катта майдонларда бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирамиз. Биз ингичка толали пахта берамиз. Бу йилги аҳдимиз ҳар гектар ердан камида 23 центнердан қимматбаҳо «оқ олтин» топширишдир.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.
К. ҚОДИРОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЭКИШ БОШЛАНДИ

НУКУС. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали**). КПСС Марказий Комитети март Пленуми тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган Автоном республика колхоз ва совхозлари чигит экишни зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборишдилар. Тўртқўл районидаги Максим Горький номли колхоз аъзолари яхши тайёрланган ерларга биринчи бўлиб уруғ қададилар.

Шу райондаги «Партия XXII съезди», Ленин номли, Димитров номли, «Қирқизобод» колхозларида ҳам чигит экиш қизғин тус олмоқда.

Хўжайли райони пахтакорлари ҳам чигит экишни авж олдириб юборишдилар.

РЕНТАБЕЛЛИК УЧУН

Кейинги йиллар, айниқса бултур лалмикор ерларда деҳқончилик қилаётган колхоз ва совхозлар учун об-ҳаво жуда қулай келди. Кузда эмас, баҳорда экилган участкаларда ҳам буғдой ва арпадан, нўхат ва кунгабоқардан катта хирмон кўтардик. Баъзи бўлим ва бригадаларимиз лалмикор ерларнинг ҳар гектаридан 10 центнер ва ундан ошириб дон етиштирдилар.

Ғаллаоролнинг бепоён дашт ва адирларидан талай қисмини эгаллаган совхозимиз ўтган йили бир миллион пуддан кўпроқ дон ҳосили йиғиштириб олди. Ғаллакорларимиз уруғликни тўла жамғариб, давлатга 756 минг пуд дон сотдилар ва ғалла тайёрлаш йиллик планини икки баравардан ҳам зиёдроқ бажардилар. Ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжалигимиз бултур давлатга 700 тонна қўй, қорамол ва чўчқа гўшти етказиб берди.

Ғаллачиликдан 444 минг сўм, гўшт сотишдан 340 минг сўм, қоракўл тери ва жун сотишдан қанчадан-қанча даромад қилган бўлсак ҳам, бари бир, хўжалик йили якун қилинган чоқда фойда кўрмадик. Чунки, гўшт ва сут етиштиришнинг таннархи ишлаб чиқариш планида кўрсатилганидан анча ошиб кетди. Қоракўл қўйлар ва сигирлардан қилинган даромад сарфланган харажатни ҳам қопламади, бузоқ ва қўзи олиш плани бажарилмади.

Етти йилликнинг якунловчи — 1965 йил режалари белгиланаётганда чорвачиликда ана шу йўл қўйилган нуқсонлар чуқур ўрганилди. Ферма мудирлари, зоотехниклар ва чўпон-чўлиқларнинг асосий эътиборини урғочи моллардан нормал бола олишга, совлиқ ва сигирларнинг қисир қолишини батамом йўқотишга қаратдик. Сунъий қочириш, хусусан совлиқларни СЖК препарати билан эмлаш усулини кенг қўлландик. Қорамолчилик фермасида ҳар юз бош сигирдан камида 95 тадан бузоқ олиш ва уни тўла сақлаб қолишни қатъий қилиб қўйдик. Чўпон-чўлиқлар қанча кўп эгиз олиб, қўйдан қанчалик кўп жун қирқиб олса, шунча манфаатдор бўлишини кенг тушунтирдик. Уларнинг ойлик ва йиллик иш ҳақлари етиштирилган чорва маҳсулотларига қараб тўланишини айтдик.

Қолоқликка барҳам бериш, рентабелликни таъминлаш юзасидан кўрган мана шу чора-тадбирларимиз бу йил дастлабки натижасини бера бошлади. Ўтган уч ойда гўшт етиштириш ҳам, сут сотиш ҳам кўпайди. Сигирлардан кўп бузоқ олинмоқда. Фақат қорамолчилик ва чўчқачилик фермаси ҳисобидан давлатга 550 центнер ўртадан юқори семизликда гўшт етказиб бердик.

Фермаларимизда 41 минг қўй-эчки, 3500 бошдан кўпроқ қорамол (шундан минг боши сигир), от, туя бор. Ўртоқ Муртазоқул Отабоев бошлиқ биринчи бўлимда 2000 бош чўчқа боқиляпти. Тоғ ён бағларидаги яйловларда серёг ва сергўшт 4000 бош ҳисор қўйи боқилмоқда. Ҳозирча 15 минг совлиқ қўзилади. Ўрта ҳисобда ҳар юз бош қўйдан 118 тадан қўзи олинди. Мўлжалимиз камида 120 тадан қўзи олишдир.

Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бу йил давлатга 3615 центнер қўй гўшти, 1516 центнер қорамол гўшти, 915 центнер чўчқа гўшти, 125 центнер парранда, 50 центнер от гўшти сотишни планлаштирдик.

Чорвадорларимиз ва ғаллакорларимиз қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг реал программасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Тарихий Пленум қарорига кўра, бизнинг зона бўйича давлат хўжалик системасида харид қилинаётган қорамол гўшти нархи тоннасига 360 сўм, чўчқа гўшти эса 364 сўм ошди. Хўжалигимиз эндиликда ҳар тонна чўчқа гўшти учун илгариги 1040 сўм ўрнига 1404 сўмдан ва қорамол гўшти учун ўтган йилдаги 800 сўм ўрнига 1160 сўмдан даромад қилади. Шу ҳисобнинг ўзидан бу йил совхозимизда қарийб 200 минг сўм қўшимча даромад олинади.

Бу йил лалмикор ерларда умумий дон майдонимиз 25 минг гектарга етди. Кузда 15 минг гектар ерга экилган бугдой ва арпамиз яхши майсалаб қолди. Агар бултургича дон сотсак, ғаллачиликдан келадиган пул даромадининг ўзи салкам бир миллион сўмни ташкил этади. Ғаллани харид қилиш давлат нархи ошиши муносабати билан ўтган йилдагидан қарийб икки баравар кўп даромад қиламиз. Давлатга кўп миқдорда соф фойда берамиз.

Шу кунларда совхоз партия ва комсомол комитетлари чорва фермалари, бўлим ва отарларда партия Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини кенг пропаганда қилмоқдалар. Чўпонлар, молбоқарлар орасида коммунист ва комсомоллардан иборат 111 агитатор тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Қўзилатиш кампанияси муносабати билан икки кўчма агитмашина ташкил этилди. Бўлим ва отарларга кўчма киноустановка чиқариб юборилди.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг зарур чоралар тўғрисида»ги қарорига жавобан совхозимиз ишчилари, коммунист ва комсомоллари етти йиллиқнинг охирги йилида она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп ғалла, гўшт, сут, қоракўл тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, совхозимизни илғор ва рентабелли хўжаликка айлантирадилар. Бунинг учун катта имконият ва резервларимиз бор.

Қодир МИРЗАЕВ,
Самарқанд областидаги 2-«Ғаллаорол» совхозининг директори.
Алиқул ХОЛИҚОВ,
Совхоз партия комитетининг секретари.

Сўнгги соатда

● *Қизилқум яқинида Сирдарёда (Чимкент области) қурилган гидроэлектростанциянинг темир тўсиқлари тактаналы вазиятда туширилди. Тўғоннинг қуйи томонида қудратли дарё дарров саёзланиб қолди. Дарёнинг қарийб ҳамма суви мамлакатдаги энг йирик сунъий денгиз — Чордара сув омборига қараб оқа бошлади. 20 апрелга қадар сув омборида дастлабки миллиард кубометр сув тўпланади.*

Чордара денгизи Сирдарёнинг этакларида юз мингдаб гектар янги ерларга қишлоқ хўжалик экинлари экиш имконини беради. Бу денгиз Қизилқумдаги тўрт ярим миллион гектар даштни сув билан таъминлашни яхшилайди.

● Озарбайжон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Боку механика заводи ғўзага ишлов берадиган дастлабки 100 та универсал агрегатни ишлаб чиқарди. Деҳқонларнинг янги «пўлат ёрдамчилари» бир вақтнинг ўзида уч хил ишни бажаради: ўсимликларни минерал ўғит билан озиқлантиради, экин қатор ораларига ишлов беради ва ғўзаларга дори чанглатади.

Карл Маркс номли колхоз компленс бригадасининг бошлиғи Мансур Каримов бу агрегатни ихтиро қилган.

● ЯМАН ЖАМОАТ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ АДРЕСИГА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЗАВОДЛАРИ ТОЛАСИ ЎРТАЧА УЗУНЛИКДАГИ «108-Ф» ВА «С-450-555» ҒЎЗАЛАРИНИНГ НАВДОР ЧИГИТЛАРИДАН ДАСТЛАБКИ ПАРТИЯНИ ЖЎНАТДИЛАР. РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИ МАЙ ОЙИНИНГ ОХИРИГАЧА АРАБИСТОН ЯРИМ ОРОЛИДАГИ ЗАКАЗЧИГА ЎТТИЗ ТОННАДАН КЎПРОҚ ЧИГИТ ЮБОРАДИЛАР.

ВАТАНИМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН НАВДОР ЧИГИТЛАРНИ ТЎРТ ҚИТЪА — ОСИЕ, АФРИКА, ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ СОТИБ ОЛМОҚДАЛАР.

● Бухоро — Урал қитъаларо газ қувури трассасида 6-10 киловольт кучланишли электр узатиш линияси тортила бошланди. Бу линия радиореле станцияларини ва катод ҳимоя станцияларини энергия билан таъминлаш учун мўлжаллангандир.

Бу электр узатиш линиясининг узунлиги 2.132 километр бўлади.

ВРОЦЛАВДА ДЎСТЛИК МИТИНГИ

ВРОЦЛАВ, 7 апрель. (ТАСС). Бугун кунинг биринчи ярмида Вроцлавга келган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси Қуйи Силезиядаги «Дольмель» электротехника комбинатига борди. Шу муносабат билан комбинатда кўп киши қатнашган дўстлик митинги бўлиб ўтди.

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян 7 апрелда Кремлда Покистон президенти Муҳаммад Айюбхон билан учрашди.

А. И. Микоян билан Муҳаммад Айюбхон ўртасида суҳбат бўлди Бу суҳбат вақтида халқаро проблемалар, шунингдек Совет—Покистон муносабатлари масалалари хусусида ошкора фикр олишув давом эттирилди.

Суҳбатда Совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. С. Полянский, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР ташқи ишлар министрлиги Жанубий Осиё бўлимининг мудири В. И. Лихачев қатнашдилар.

Покистон президенти билан суҳбат вақтида ташқи ишлар министри З. А. Бхутто. ташқи ишлар бўйича секретарь Азиз Аҳмад иштирок этдилар. (ТАСС).

ҚИШЛОҚ КОММУНИСТИНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИ

БУРЧИМИЗ

Партия халқимиз олдига қишлоқ хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантириш, мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни тезроқ вужудга келтириш вазифасини қўйди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган март Пленуми тарихий ҳужжатлари бунга қандай қилсак тезроқ эришиш программасини аниқ равшан тузиб берди.

Мен Пленум материалларини зўр қониқиш билан ўқиб чиқдим. Шу муносабат билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпкининг газетада босилган «Гапнинг рўй-рости» сарлавҳали мақоласи ҳам диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, биз энди қуруқ шов-шувлардан, дабдабабозлик ва тантанабозликдан қочиб, партиянинг чақириғига жавобан конкрет ишда ўзимизни кўрсатишимиз, ҳар бир колхозда, ҳар бир бригада, ҳар бир звенода машъалларни тобора кўпайтириб, умумий юксалишга эришишимиз керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш умумхалқ ишидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун жонбозлик билан ишлаш ҳаммамизнинг, биринчи навбатда биз қишлоқ коммунистларининг бурчимиздир.

Мен қишлоқда туғилиб, шу ерда ўсдим, агроном бўлиб ўз қишлоғимда меҳнат қилляпман. Бултур бригадамизда ҳосилдорлик гектар бошига 14 центнер кўтарилди. Лекин ҳали ҳам биз имкониятлардан яхши фойдаланмаяпмиз. Буни совхозимиздаги илғор кишилар эришган кўрсаткичларга қараб билиш мумкин.

Совхозимизда Бакир Каримбердиев деган коммунист бор. Унинг ёши элликдан ошган бўлса ҳам меҳнатда ёшлардан сира қолишмайди. У 1951 йилдан буён КПСС аъзоси. Яқинда ўртоқ Каримбердиевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» деган унвон берилди. Бу ажойиб коммунист биргина ўзи яхши ишлаб қолмай, кўпгина шогирдлар етиштирди.

СССР Олий Советининг депутати, компленс механизациялаштирилган звено бошлиғи Қунниёз Беглонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, компленс механизациялаштирилган звено бошлиғи Гулзара Уббиниёзова унинг энг яхши шогирдларидир. Бу азаматлар раҳбар бўлган звеноларда ўтган йили ҳосилдорлик гектар бошига 7-8 центнер ортди, пахта таннархи арзонлашди. Звено бошлиқларининг ўзлари мавсумда 60-70 тоннадан пахтани машинада тердилар. Коммунист, механик Х. Абдуҳайиров ҳам шундай ишчан кишилардан бири.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобида турган ҳамма коммунистлар ҳам шундай яхши ишлаяптими? Йўқ. 5-бўлим механиги коммунист Бозорбой Уббиев кўпинча сўз берадию, ваъдасига вафо қилмайди. Бу йил ҳам у техниканинг ремонтини чўзиб юборди. 3-бўлимнинг тракторчиси Шамун Ўразимбетов ҳам кўпинча меҳнат интизомини бузади.

Совхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Нажим Қўшжонов бундан бехабар дейсизми? Хабардор бўлса ҳам у коммунистларга нисбатан талабчанлик қилмайди. Партия ташкилоти партиявий-ташкилий, сиёсий-оммавий ишларнинг бўшаштириб юборилишига йўл қўйди. Кўпинча коммунистларга топшириқ бериладию, унинг ижроси билан ҳеч ким тузукроқ қизиқмайди.

Совхозимиз бу йил мамлакатга 5200 тонна пахта, 75 тонна гўшт, 470 тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериши керак. Хўжалигимизда 208 коммунист, 396 комсомол бор. Одамларимизнинг кўпчилиги яхши, техника етарли. Қўлимизни қаёққа узатсан етади. Энди ҳамма гап бор имкониятлардан фойдаланишда қолди.

Зарбдор фронтдаги ҳар бир коммунист — партиянинг ҳар бир оддий солдати, ҳар бир жангчиси КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашда ташаббус кўрсатиб астойдил тер тўкиб, меҳнат қилиши, ишнинг белига тепадиган ноч чиликлар бор бўлса рўй-рост айтиб, умумий юксалишимизга халал берадиган ғоларни улоқтириб ташлашга партияга, халқимизга чин юрақдан ёрдам бериши керак.

Е. ДОВУЛБОЕВ,
Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоз бригада бошлиғи, агроном.

НЎХАТ МАЙСАЛАРИ

Избоскан районидаги 8-совхознинг ўртоқ Исроилжон Норқулов бошлиқ бригадасида 80 гектар майдонга барвақт нўхат экилган эди. Ҳозир нўхат униб чиқа бошлади.

Бригада аъзолари барча майдондаги нўхатни тезроқ кўкартириб олиш чорасини кўрмоқдалар.

Ҳ. ЖЎРАЕВ.

Республика партия активининг йиғилиши Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини, Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида кўрган тадбирларини шараф билан бажарадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

(РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ҚАРОРИДАН).

ЛЕНИННИНГ ЮЗТА ЯНГИ ҲУЖЖАТИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг Марказий партия архиви йил сайин В. И. Ленининг янги ҳужжатлари билан тўлатилмоқда. Ленин адабий меросининг ҳазинаси тобора бойимоқда.

Марказий партия архивида ТАСС мухбирига қуйидагиларни хабар қилдилар: 1903 — 1922 йилларга тааллуқли юзга яқин ҳужжат В. И. Ленин туғилган кунининг 94 йиллигидан буён ўтган вақт ичида тўпланди. Бу ҳужжатлар бизнинг мамлакатимизда топилди ва чет эллардан олинди. Ҳужжатларнинг бир қисми революциядан илгариги даврга тааллуқли, кўпчилиги эса Владимир Ильичнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейинги даврдаги буюк ва кўп қиррали фаолиятини характерлаб беради.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти билан Амстердамдаги социал тарих институти ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида 1964 йилда Ленининг 8 та асил қўлёзмаси олинди. Булар орасида 1903—1911 йилларда К. Каутский-га ёзилган хатлар ҳам бор. Владимир Ильич ўз хатларидан бирида «Бир қадам олга, икки қадам орқага. Н. Ленининг Роза Люксембургга жавоби» деган мақоласи «Ди-Нойе Цейт» газетасининг редакциясига юборганлигини хабар қилади. В. И. Ленин бошқа бир хатида шу мақола редакция томонидан қабул этилганлиги, ё йўқлигини маълум қилишни сўрайди. Сўнгра Владимир Ильич мақола қабул қилинмаган тақдирда, Р. Люксембургнинг «Россия социал-демократиясининг ташкилий масалалари» сарлавҳали мақоласида аниқ баён этилмаган фикрлар билан Германия социал-демократларини таништириш учун бошқа йўлларни қидириб топишга мажбур бўламан, деб ёзади.

В. И. Ленин Париждан юборган хатида ўзининг икки мақоласини редакцияга таклиф этади. Бу мақолаларнинг бири Россияда 1905—1907 йилларда бўлиб ўтган стачкалар статистикасига тааллуқлидир. Владимир Ильич бу мақола большевикларни «романтизм», «бланкизм»да айбловчи меньшевик-ликвидаторларга энг яхши жавоб бўлур эди ва немис социал-демократлари учун ҳам қизиқарли бўлур эди, деб таъкидлайди.

Н. Бельтов (Г. В. Плеханов)нинг «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши тўғрисидаги масалага доир» китоби (В. И. Ленин ўз мулоҳазаларини шу китобнинг четига ёзган эди) Марказий партия архиви ҳазиналарида ўз ўрнини олишдан илгари узоқ ва мураккаб йўл босиб ўтди.

Бу китобнинг топилиши қуйидагича бўлди: СССР Фанлар академияси археология институтида старший илмий ходим бўлиб ишлаётган Л. П. Зяблин Берлин учун олиб борилган жангларда қатнашган эди. У хизмат қилган қисм жанглардан кейин, илгариги вақтларда гитлерчи разведкачи-диверсантларнинг мактаби бўлган казармада жойлашган эди. Бининг ертўлаларида турли славян тилларида нашр этилган китоблар кўп эди. Л. П. Зяблин булар орасида ана шу китобни топиб олди. Китобнинг биринчи саҳифасида «Вл. Ульянов» тамғаси ва Польша бош штабининг печати босилган. Владимир Ильичнинг Поронино кутубхонасида бўлган китобларида ҳам шундай тамғалар бор. В. И. Ленин 1912—1914 йилларда Краков ва Поронинода бўлган вақтларида шу китобхонани ташкил этган эди. В. И. Ленин 1914 йил август ойида қамоққа олинганидан ва у Швейцарияга кўчиб кетганидан кейин, бу китоблар унинг квартирасида қолди, 1918 йилда эса бу китоблар буржуа Польшаси маъмурларининг қўлига тушди ва Польша бош штабида сақланди. Совет ҳукумати кўрган тадбирлар натижасида Ленининг кўп материаллари олинди, лекин баъзи материаллар Польшада қолди.

Л. П. Зяблин ана шу бебаҳо асарни узоқ вақт сақлади ва кейинчалик уни Ростов ўлкашунослик музейига топширди. Марказий партия архиви бу китобни Ростов музейидан олиб, Поронино архиви ва кутубхонасининг бошқа материалларига қўшиб қўйди.

Октябрь революцияси Марказий давлат архивида Владимир Ильичнинг армия ва фронтлардаги аҳвол тўғрисида 1917 йил декабрь ойида прямой провод орқали олиб борган қўмондон Н. В. Криленко билан гаплашган сўзларининг ёзмаси топилди. Бу — Ленининг совет давридаги энг илк ҳужжатларидандир.

В. И. Ленининг 1918 йил мартнюнда Мурманск депутатлар совети раиси Юрьев билан гаплашган сўзларининг ёзмаси ҳам қоғоз қизиқарлидир. 1918 йил март ойида инглиз, француз ва Америка қўшинлари Мурманскка туширилган эди. Владимир Ильич маҳаллий Советнинг интервентлар билан тузган «оғзаки битими»га қоғоз салбий қараганлигини билдиради. Ленин интервентлар қўшинларининг туширилишига қарши бутун куч ва воситалар билан кураш олиб бориш тўғрисида кўрсатма беради.

Янги ҳужжатларнинг кўпчилиги ёш совет республикаси халқ хўжалигининг турли тармоқларини тиклаш ва ривожлантириш масалаларига тааллуқлидир.

Электростанциялар қурилиши, жумладан Кашира электростанцияси қурилиши доим В. И. Ленининг диққат-эътиборида бўлди. Қурилиш учун зарур материаллар ортилган вагонлар ўз вақтида юборилмаётганлигини эшитиб, Владимир Ильич В. Аванесовга хат ёзди ва бу хатида ана шу фактларни дарҳол синчиклаб текшириши ҳамда текшириш натижалари тўғрисида хабар беришни талаб қилди. В. И. Ленин халқ хўжалиги олий кенгаши ва давлат иншоотлари комитети номига ёзилган бошқа бир хатида Кашира электростанциясини белгиланган муддатда қуриб битказишни таъминлайдиган чораларни РКП(б) Марказий Комитетнинг сиёсий бюросида муҳокама қилишни таклиф этади.

Озиқ-овқат етишмаётганлиги ва очарчилик тўғрисида мамлакатнинг ҳамма қисмидан В. И. Ленинга хат-хабарлар келиб турар эди. Владимир Ильичнинг шу хат ва телеграммага чеккан имзоси озиқ-овқат танглиги ҳукм сурган энг оғир шароитларда меҳнаткашларга қўлдан келган қадар ёрдам кўрсатишга астойдил ҳаракат қилганлигини исбот этади. Бокудан В. И. Ленинга юборилган хатда нефть қуйиладиган кемаларнинг денгизчилари беш сутка ўрнига бир суткалик озиқ-овқат олмоқдалар, деб ёзилган эди. Владимир Ильич уларга бутун чоралар билан ёрдам беришни талаб қилади. Ғалла ортилган эшелонларни оч қолган районларга жўнатиш тўғрисида Ленин имзо чеккан телеграммалар ғаллакор районларга юборилади.

Москвадаги халқ хўжалиги Марказий давлат архивида В. И. Ленин ёзган хатнинг асил нусхаси топилди. В. И. Ленин бундай деб ёзади: «Бу вагонни болаларни ҳимоя қилиш Советига юборишингизни илтимос қиламан. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Ульянов (Ленин)». Владимир Ильич бир вагон ғалланинг ўз ихтиёрига юборилганлиги тўғрисида Самарадан олинган телеграмма ана шу сўзларни ёзган эди. Бу ҳужжат илгари кўчирилган нусхасидангина маълум эди ва шу нусхага қараб Ленининг XXXV тўпламида эълон қилинган эди.

В. И. Ленин коммунистик жамиятни илғор техника базасидагина қуриш мумкин, деб кўп марта таъкидлади. Ленининг илмий-техника кашфиётларига қандай катта аҳамият берганлиги, ихтирочиларга қандай зўр эътибор билан қараганлиги маълум.

1920 йил 13 ноябрь. Владимир Ильич халқ хўжалиги олий кенгаши илмий техника бўлимининг ихтиролар бўлимига мурожаат қилиб, ихтиролар тўғрисида берилган қанча ариза қараб чиқилганлигини, яна қанча ариза қараб чиқилажагини, қандай ихтиролар фойдали деб топилиб, саноатга топширилганлигини, ихтирочиларнинг заявкаларини қараб чиқиш юзасидан қандай тартиб ва муддатлар белгиланганлигини маълум қилишни сўрайди.

Ленин ҳужжатларини шу вақтгача сақлаб келган баъзи ўртоқлар бу ҳужжатларни Марказий партия архивига топширдилар. Булар орасида Ф. М. Неусипов, В. П. Колокуцкий, М. С. Рудомиер, Тихменев ва бошқалар бор.

Ленининг янги ҳужжатларидан баъзилари В. И. Ленин асарлари 5-тўла тўпламининг сўнгги томларида босилади. (ТАСС).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА



Ҳалима Хожимуҳамедова Бухоро пиллакашлик фабрикасининг пешқадам ишчиларидан. Ўртоқ Хожимуҳамедова ишлаётган 2-цех пиллакашлари яқин йиллар мобайнида жаҳон стандартлари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Ҳ. Хожимуҳамедова смена топшириқларини ошириб бажариб, аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: Ҳалима Хожимуҳамедова иш устида.

А. Палехов фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

Тошкент уйсозлик комбинати монтаж бошқармаси коллективи бу йил 110 та 48 квартирали уй монтаж қилиш мажбуриятини олган. Улар дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Биринчи кварталда 20 ўрнига 22 та 48 квартирали уй монтаж қилинди.

А. Муриев.

●

Марғилон шаҳридаги сут заводи коллективи биринчи квартал планини муддатидан 10 кун илгари бажарди. 152 минг сўмлик сут маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Х. Орипов.

●

«Узбекшахтострой» трести коллективи Тошкент областидаги «Ўртасарой» совхозида йирик механизациялашган паррандачилик фабрикасини бир ярим йилда қуриб тугаллаш мажбуриятини олди. Ҳозир дастлабки паррандахоналар қурилиши бошлаб юборилди.

Қисқа сатрлар

ТОШКЕНТ. «Оқтепа» массивидаги Республика рус тили ва адабиёти институти қошида «Лирика» кафеси ишга туширилди.

Н. ТОШТУРДИЕВ,
студент.

●

ҚЎҚОН. Диагональная кўчасидаги янги қурилган кўп қаватли бинога Охунбобоев номидаги фабрика, темир йўл ишчи ва хизматчилари ҳамда ўчувчилар оиласидан иборат 300 хонадон кўчиб кирди.

Р. ШЕРМАТОВ.

●

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши районидаги «Қарши» сабзавотчилик совхозининг Ҳудойзод қишлоғида пилла қурти жонлантириш инкубацияси қуриб битказилди.

Ш. НАБИЕВ.

●

ХОРАЗМ. Гурлан районидаги «Коммуна» колхозида 120 ўринли болалар боғчаси қуриб битказилди.

Қ. ИБРОҲИМОВ.

САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент Олий партия мактаби тингловчилари яқинда «Мосфильм» киностудиясининг кенса, талантли артисти, Давлат мукофотининг лауреати Н. А. Крючков билан учрашдилар. Санъаткор ўзининг 35 йиллик ижодий йўли, навбатдаги иш режалари ҳақида сўзлаб берди.

Суҳбат давомида Н. А. Крючков иштирок этган фильмлардан парчалар кўрсатилди.

Н. ЯУЛДОШЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ № 2

8 АПРЕЛЬ, 1965 ИИЛ
№ 81 (13.037).

Хатларингизга жавоб берилди

ГАЗЕТХОНЛАР ЭЪТИРОЗИ

Бир группа газетхонлар «Совет Узбекистони» газета редакциясига хат йўллаб, Шаҳрисабз районида чиқадиган «Коммунизм байроғи» газетаси фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрсатган эдилар. Редакция хатни Шаҳрисабз район партия комитетига юборди ва унда келтирилган фактларни текшириб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар кўришни илтимос қилди. Шу муносабат билан район партия комитетидан олинган жавобда бундай дейилади:

Текширишда газетхонларнинг хатида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. «Коммунизм байроғи» газета редакцияси коллективи газетани ўқимишли, мазмунли қилиб чиқариш учун курашмаган. Газета саҳифаларидан саёз, эсда қолмайдиган, фантехника ютуқлари, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга ижобий таъсир кўрсатмайдиган материаллар жой олган. Район хўжаликларидаги пахтачилик, чорвачилик машъаллари ва тажрибасини кенг оммалаштиришга етарли эътибор берилмаган. Газетада имло хатолар, пала-партиш жумлалар кўп. Расмлар хира. Саҳифаларни безашга аҳамият берилмайди.

Район партия комитетининг бюро мажлисида ана шу камчиликлар очиб ташланди. Уларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Редакция малакали журналист кадрлар билан мустаҳкамланди. Босмахонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилаётир. Штатсиз бўлим ва штатсиз мухбирлар фаолиятини яхшилаш, уларга таяниб иш кўриш зарурлиги уктирилди. Коллективга газетани ўз вақтида ўқимишли қилиб чиқариш, пала-партиш материалларга ўрин бермаслик, саҳифаларни безашга алоҳида эътибор қилиш топширилди.

ЙЎЛОВЧИЛАР ИЛТИМОСИ ҚОНДИРИЛДИ

Илгари Қамаши районининг марказидан «Кўкбулоқ» совхози посёлкасига қадар автобус қатнар эди. Бу йўловчиларга жуда қулай эди. Аммо кейинги вақтларда автобуслар қатнамай қўйди. Совхоз ишчи-хизматчилари район марказига бориб келишда катта қийинчиликларга дуч келаётирлар. Ҳар куни йўлда неча ўнлаб йўловчилар машина кутиб сарсон-саргардон бўлмоқдалар. Бу ҳақдаги шикоятларга Шаҳрисабздаги 161-автомобиль базасининг раҳбарлари қулоқ солмаётирлар. Қамаши районлин меҳнаткашлардан олинган шикоят хатида шундай дейилган эди.

Редакция хатни автобаза директори ўртоқ Хидиров номига юбориб, тегишли чора-тадбирлар кўришни талаб қилди. У редакцияга йўллаган хатда бундай дейилади:

Меҳнаткашларнинг шикоят хатида масала жуда тўғри кўтарилган. Қиш фаслида йўл ёмонлиги учун «Кўкбулоқ» совхозига автобус қатнови тўхтатиб қўйилган эди. Шу йил 4 мартдан бошлаб яна автобус қатнай бошлади. Йўловчиларнинг илтимосини ҳисобга олиб, автобуслар сонини кўпайтириш чоралари кўрилаётир.

ДИРЕКТОРНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ

Ургутлик газетхонлардан олинган хатда 8-ўрта мактаб директори Жаб бор Очиловнинг ножўя хатти-ҳаракатлари қайд қилинган эди. Редакция хатни район партия комитетига юбориб, унда келтирилган фактларни текшириб кўришни, камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар белгилашни илтимос қилди. Райком секретари А. Бекмуҳаммедов имзоси билан олинган жавоб хатида қуйидагилар билдирилади:

Хатда келтирилган фактлар текшириб кўрилди ва тўла тасдиқланди. Текшириш якуни район партия комитетининг бюро мажлисида муҳонама этилиб, мактабда таълим-тарбия ишларини сусайтириб юборгани, қисман қурилиш материалларини талонторож қилгани, ўқувчиларнинг меҳнат кунига тегишли 200 сўм пулни байрам олди нечасига нотўғри сарф. лагани учун Ж. Очиловга шахсий карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Мактаб коллективи орасида таълим-тарбия ишларини кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЁШ КОММУНИСТЛАР

Мирзачўл гулистонга айланмоқда. Янги ер очиш, қийинчиликларни енгишда кишиларимизнинг ажойиб фазилатлари намоён бўлмоқда. Мирзачўлдаги янги суғориладиган зонада жойлашган совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари чўлқуварлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Меҳнатда синалган, ўзида совет кишисига хос энг яхши фазилатларни мужассамлантирган чўлқуварлардан кўпчилиги шонли Коммунистик партия сафига ўтмоқдалар.

«Фарҳод» совхози партия ташкилоти (секретари ўртоқ Сувонқулов) аҳоли ўртасида сиёсий ишларни кучайтириш, муносиб кишиларни партия сафига қабул қилишда зўр фаолият кўрсатмоқда. Кейинги вақтда бу ерда КПСС аъзолиги кандидатлигига комплекс механизациялашган бригада раҳбари Эгамқул Абдусаматов, механизаторлардан Кўзибой Омалиқов, бригадир Узоқ Раҳимов каби ишлаб чиқариш илғорлари қабул қилинди.

Ёш коммунистлардан бири Эгамқул Абдусаматов бултур мана шундай қўклам пайтида совхоздаги энг қолоқ бригадага ишга ўтиб, шу ердаги деҳқонлар билан бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилди. Бригадада ҳосилдорлик ортди. Ўтган йили кузда ана шу бригадада гектаридан 36 центнердан ҳосил кўтарилди. Шўрхок ерларда ҳеч қачон бунчалик мўл ҳосил илгари етиштирилмаган эди.

«Фарҳод» совхози партия ташкилоти КПСС сафига кишиларни якка-якка тартибда таилаб қабул қилиш принципига алоҳида эътибор бермоқда. Шу билан бирга, ёш коммунистлар ўртасида тарбиявий ишларни борган сари кучайтириш партия ташкилотининг диққат марказида турибди. КПСС аъзолиги кандидатлигига ўтган ҳар бир киши билан партия Устави, КПСС Программаси юзасидан суҳбатлар ўтказиб турилади, ёш коммунистларга топшириқлар берилиб, унинг ижроси текширилади.

Герман Титов номли совхозда (партия ташкилотининг секретари ўрток Эшпўлатов) ҳам моддий нознеъматлар етиштиришда бевосита қатнашиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга ўз ҳиссасини қўшаётган ишлаб чиқариш илғорларини партия сафига қабул қилиш яхши йўлга қўйилган. Кейинги икки ой мобайнида партия ташкилоти 14 кишини партия аъзолиги кандидатлигига қабул қилди. Булар каторида пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Олимжон Сойбов ҳам бор. У ўтган йили 120 тонна пахта теришга муваффақ бўлди. Оддий ишчи Бекназар Есенбоев, механизатор Эргаш Ўринов ўртоқлар ҳам ёш коммунистлардир.

Юрий Гагарин номли совхоз партия ташкилоти ёш коммунистлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқда. Бу ерда барча коммунистлар партия маорифи шохобчаларида ўқишга жалб этилган, ҳар бир кишига партия топшириғи берилган.

Қўриқ ерларни ўзлаштираётган совхозларнинг партия ташкилотлари ўтган йили 275 кишини КПСС аъзолиги кандидатлигига, 208 кишини партия аъзолигига қабул қилдилар. Уларнинг деярли ҳаммаси бевосита ишлаб чиқаришда қатнашмоқда, коммунист деган улуғ номни оқлаш учун мардона меҳнат қилаётир.

Е. ГОДОВИКОВ.

ҚОРАҚУМДАН БАЛТИКА ДЕНГИЗИГАЧА

«ЗАНГОРИ ЕҚИЛҒИ»НИНГ УЛКАН МАГИСТРАЛИ

СССР газ саноати давлат ишлаб чиқариш комитетида ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтишди: дунёдаги энг катта газ магистрали бўлган Урта Осиё — Марказ магистралининг уч юз километри бу йил қуриб битказилди. Ҳозирги вақтда қидирув ишлари олиб борилмоқда, «Гипрогаз» институтининг коллективи эса, бу улкан магистрални қуриш учун лойиҳа топшириғини бажариб беришга ошиқмоқда. Трассани қуриш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ белгилаб чиқилди.

Урта Осиё республикалари территориясида ва айниқса Ғарбий Қозоғистонда табиий газнинг ниҳоятда катта запаслари бор. Сўнгги маълумотларга қараганда, бу газ запаслари қарийб йигирма триллион кубометрга етади.

Трассанинг узунлиги уч минг километрдан ошиқ бўлади. Трасса марказий Қорақум. Шарқий Туркманистон ва Ғарбий Узбекистондагиг аз манбаларидан бошланади. Магистрал Қўнғирот шаҳри томон бориб, сўнгра Волга бўйига чиқади. Шу ерда газ қувурлари тармоқларга бўлиниб кетади. Тармоқларнинг бири Москва томон, иккинчиси эса Минск ва сўнгра Вильнюсга олиб боради.

Бу жуда катта трассани қуриш учун диаметри 1.200 — 1.400 миллиметр бўлган қувурлардан биринчи марта фойдаланилади.

Урта Осиё — Марказ магистрали ҳозирги вақтда ишлаб турган газ қувурлари: Бухоро—Урал, Саратов — Горький—Череповец, Шимолий Кавказ—Москва, Шебелинка — Брянск трассаларини кесиб ўтади. Бу ҳол келгусида «зангори ёқилғининг» Европа ва Шарқий трассаларининг ягона системасини вужудга келтириш имконини беради.

(ТАСС мухбири).

МОСКВА.

ЎТКИР ЭДИ УНИНГ ҚАЛАМИ...

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

Яқинда бир китобни варақлаб ўтириб, журналист Григорий Кияшконинг «Мангуликкка хат» очеркига кўзим тушиб қолди. Бу хатнинг тарихи кўпчиликни қизиқтирса керак. Г. Кияшко хатни қадимий Днепр соҳилларида шиддатли жанглар бораётган — 2-Украина фронти ҳужумга ўтган пайтда топган экан.

«Суворовский натиск» газетасининг муҳаррири бўлган пайтимда, — деб ёзади автор, — жанг қилаётган бир дивизияга иш билан бориб қолдим. Сиёсий бўлимга бир нотаниш чол қандайдир хат келтириб берди. Хатни «Красная звезда» газетасининг қўршовда қолган мухбири Сергей Сапиго ёзган экан. Шу хат менинг кўлимга тушиб қолди.

* * *

«...Салом, қадрли редактор, жанговар дўстлар, ўртоқлар, шонли «Красная звезда» редакциясининг коллективи! Сизларни нақадар соғинганимни билсангиз эди! Афсуски, бизни юзлаб километр масофадаги душман ҳалқаси ажратиб турибди. Бу ҳалқани ёриб чиқишга ҳозирча кучимиз етмайди. Украинада, «ер остида» эканман, бутун қалбим билан, охирги нафасим чиққунча сизлар билан биргаман.

Энди мен ва ўртоқларим билан қандай воқеа рўй берганлигини айтиб берай. Балким бирон киши омон-эсон қуршовдан чиқиб олгандир. Лекин сизларга мухбирларнинг фаолияти ҳақида қисқача бўлса ҳам хабар беришни лозим кўрдим.

«Красная звезда» мухбирлари Александр Шуэр, Борис Абрамов, Алексей Лавров, Борис Лапин, Захар Хацревин ва мен, «Известия»чилар Михаил Сувинский ва Иосиф Осипов, «Правда»чи Яков Цветов ва бошқалар «Киев ҳалқаси»га қуршовга тушиб қолдик. Қўшинларимиз Киевдан чекинаётган вақтда биз буни билиб қолдик...»

* * *

Сергей Сапиго хатида тилга олинган бу мухбирлар орасида «Известия» мухбири Михаил Сувинский эътиборимизни жалб қилди. Чунки урушгача у бизнинг қўшни диёримиз Узбекистонда ишлаган эди. Буни бизга Сувинскийни яхши билган, у билан бирга ишлаган сафдошлари айтиб берди. Узбекистоннинг атоқли ноширларидан бири, журналист, эндиликда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг директори Аким Борисович Мазор билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Уттизинчи йилларда, — деб ҳикоя қилади Аким Борисович,— ўзбек матбуотига Л. Регистан, Вера Петрова, М. Сувинский, В. Лапин, З. Хацревин сингари бир гуруҳ москвалик, ленинградлик истеъдодли ёшлар кириб келди. Шулар орасида айниқса Михаил Сувинский ўзига хос куч-ғайрати, қобилияти билан ажралиб турарди. 1932—1934 йилларда биз Михаил билан бирга «Узбекистанская правда» газетасида ишлардик... У, йигирма беш ёшлардаги, кўнгир сочли, хушбичим, ғоят одампарвар, дилкаш йигит эди...

Сувинский кўпинча барчани ҳаяжонга солувчи мақолалар, лавҳалар ёзарди: у хўжалик ва қурилишнинг муҳим масалаларини қаламга оларди.

1934 йилда «Узбекистанская правда» газетаси тугатилгач, Сувинский «Правда Востока»да ишлай бошлади. Бу ерда ҳам у янгиликларни тез пайқаб олувчи сезгир, истеъдодли журналист эканлигини кўрсатди. Сувинский маҳаллий газеталар билан бир қаторда марказий матбуотда — «Правда» ва «Известия» газеталарида ҳам кундалик ҳаётимизга доир муҳим темаларни кўтариб чиқди.

Шундан сўнг Михаил Сувинскийни «Известия» газетасида ишлашга таклиф қилишди. У «Известия»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири бўлиб қолди.

Сувинский ўша даврда кенг қулоч ёйган халқ қурилишларининг буюк моҳиятини чуқур тушунган журналистлардан бири эди. Айниқса, у Катта Фарғона канали қурилиши даврида зўр илҳом билан ишлади. Сувинский ўша даврда «Известия»да босилган мақолаларида бу қурилишнинг улкан қўламини, сув учун буюк курашга отланган халқнинг ғайрат-шижоатини, қаҳрамонлигини тасвирлади.

Сувинский «Известия»да, 1939 йил 15 июлда босилган «Қудратли тўлқин» номли мақоласида Катта Фарғона канали қурилишнинг улуғвор манзарасини, меҳнат поэзиясини, қайноқ ҳаёт романтикасини публицистик бўёқларда акс эттирди.

Шу мақолани ўқир эканмиз, Сувинский халқимиз тарихини, анъаналарини нақадар чуқур билганлигини кўрамиз. У ўз мақоласида шундай халқ нақлини келтиради. Худоёрхон Қоратепа чўлларига сув чиқармоқчи бўлиб, 15 минг деҳқонни оч-наҳор ишлатибди. Ариқ қурилиб битгандан сўнг, қайқириб оқа бошлаган сув теварак-атрофни босиб кетибди. Кишилар ҳар қанча уриниб, тошқинни тўхтатолмабди. Шунда Худоёрхон руҳонийлар фатвоси билан Тўхта ва Тўхтасин исмли барча кишиларни сувга бостириб қурбон қилибди... Ҳозир эса, — деб ёзади Сувинский, — халқимиз Катта Фарғона канали қурилишини азоб-кулфат эмас, балки одатдаги, шарафли ва қувончли иш деб билади. Мухбир канал қурилишида қатнашиш учун бутун республикада мусобақа авж олиб кетганини кўрсатди.

М. Сувинскийнинг «Ажойиб чашма», «Обиҳаёт», «Ҳамза Ниёзий» каби мақола ва лавҳалари ҳам жўшқин аҳтирос билан ёзилган.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан Михаил Сувинский ҳам биринчилар қаторида фронтга кетди. «Известия» газетасида «Улуғ Ватан уруши фронтларида» рубрикаси остида К. Симонов, Т. Тэсс, М. Сувинский, И. Осипов ва бошқа мухбирларнинг жанг майдонидан ёзган хабар ва мақолалари тез-тез пайдо бўлиб турди.

Фронтда Сувинскийнинг қалами янада ўтюрлашди, унинг мақолаларида публицистик руҳ кучайди.

1941 йилнинг июль ойида «Известия» газетасида М. Сувинскийнинг «Бир застава нишлари», «Немис учувчи ҳарбий асирлари билан суҳбат», «Фронтдаги ўйлар», «Учувчи Панфиловнинг жасорати», «Немис полкининг архиви», «Бизнинг зарбаларимиз», «Жасурлик синови» сингари жуда кўп мақола ва лавҳалари босилиб чиқди. Буларда у фашизм вабосига қарши жон олиб, жон бериб курашаётган жангчиларимизнинг мардлиги, қаҳрамонлигини қаяжон билан тасвирлади. Фашист солдатлари ва офицерларининг ёвузлигини, виждонсизлиги н и, маънавий бузуқлигини фош қилди. Душман ниятларининг пучлигини исботлади.

Яна мактубни ўқиймиз:

«...Шундай қилиб. Абрамов, Лавров, Сиславский, Лапин, Хацревин, Сувинскийлар сафингизда йўқ бўлса, шуни билингларки, улар душман билан шердай олишдилар ва жангда ўзларини ҳарбий журналистларга хос мард ва мағрур тутдилар. Соф қалб эгаси, фронт ва матбуотнинг жасур жангчиси Саша Шуэрни унутмангилар.

Совет Армияси фашист одамхўрларни ер билан яксон қилишига ишончим комил. Мабодо ўлишга тўғри келса, сўнгги томчи қонимни ҳам севикли Ватаним — СССРга бағишлайман.

Қўлларингни ҳаёлан каттиқ қисиб, юз-кўз ўпишиб, хайрлашмоқдаман.

Алвидо, дўстлар!..»

С. Сапигонинг хати шу билан тугалланади. «Известия» саҳифаларида «Қўринмай қолган» истеъдодли журналист Михаил Сувинский ҳам жангда, довюрак ҳамкасблари сафида ана шундай ҳалок бўлган эди.

М. МАҲМУДОВ.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Тошкент журналистлари 7 апрелда Округ офицерлар уйининг залларидан бирига тўпландилар. Улар гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги арафасида Туркистон Ҳарбий округи қўмондонлигининг намояндалари билан учрашдилар. Бу учрашувни Журналистлар союзининг Тошкент бўлими уюштирди.

Округ қўшинларининг қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский ва Ҳарбий Кенгаш аъзоси—округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Н. С. Демин матбуот ходимлари олдида сўзга чиқдилар. Улар мамлакат Қуролли Кучларининг ҳозирги аҳволи тўғрисида, округ жангчиларининг ҳаёти ҳақида гапириб бердилар.

Учрашув вақтида қизиқарли бир факт келтирилди. Ҳарбий шуҳрат музейини ташкил қилиш учун гитлерчи фашистларга қарши олиб борилган жангларда ишлатилган қурол зарур бўлиб қолди. Лекин бутун округда бундай қуролни топиб бўлмади. Барча совет қўшинлари сингари округ жангчилари ҳам ҳозирги вақтда биринчи даражали техника билан таъминланган. Округ ҳарбий қисмларида олий ва ўрта маълумотли солдатлар кўп.

Армия ҳаётини доимо ва малакали ёритиш, армия билан халқ ўртасидаги алоқанинг янада мустаҳкамланишига бутун чоралар билан ёрдам бериш — журналистларнинг фахрли бурчидир. Ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба беришга, мамлакатимиз ва бутун социалистик лагерь халқларининг буюк ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга тайёр турган жангчиларимизнинг ҳозирги кундаги ишлари тўғрисида матбуотда, радио ва телевидение орқали тез-тез гапириб бериш керак.

Учрашув қатнашчиларига Совет Армияси қисмлари ва бўлинмаларининг жанговар тайёргарлиги тўғрисида кинофильмлар кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛАРИМИЗ БУЮРТМАСИ БИЛАН

Андижондаги «Электродвигатель» заводи Фрунзедаги «Электротяжмаш» заводига флянц двигателларининг дастлабки туркумини жўнатди. Қуввати 1,7-2,8 киловатт келадиган бундай кичик хажмли машиналарни корхона биринчи марта ишлаб чиқарди. Бу машиналарни ишлаб чиқариш қирғиз дўстларимизнинг буюртмаси бўйича йўлга қўйилди.

Бу корхонанинг заказчилари орасида мамлакатнинг турли ерларида жойлашган бир ярим мингдан кўпроқ саноат корхонаси ва қурилишлар бор. Завод ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмай, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва янги техникани жорий қилиш туфайли бу йил бундан аввалги йилдагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб икки баравар кўпайтиради. (ЎзТАГ).

Янги полизлар

Мирзачўлда полиз экинлари экилмоқда. «Мирзачўл», «Целинник» ва «Первомаец» совхозлари ковун ва тарвуз эртаги навларини экишга киришдилар.

Бу йил Мирзачўлдаги хўжаликлар давлатга ўтган йилдагига нисбатан 7 минг тонна кўп ковун ва тарвуз сотадилар.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ҚИШЛОҚНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН энергетиклари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорини зўр қониқиш билан кутиб олиб, қунт билан ўрганмоқда. Партия томонидан қўйилган қишлоқ хўжалигини янада жадал ривожлантириш режаларини амалга ошириш умуман қишлоқ хўжалигини, хусусан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштиришга ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизнинг қишлоқ хўжалиги гуркираб ривожланди, социалистик қишлоқ хўжалиги тобора кенгроқ электрлаштирилмоқда. Далалар ва фермаларда ишлатилаётган машиналар электр қуввати билан ҳаракатга келтирилмоқда, шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш маданияти юксалянти. Шунингдек, қишлоқ хонадонлари Ильич чироқлари билан нурафшон бўлиб борянти. Кейинги икки йил ичида республика колхоз ва совхозларини электрлаштириш айниқса тезлашди. 1965 йил январь ойига келиб Ўзбекистон энергетика системаси тармоғига 630 колхоз ва 129 совхоз уланди.

Кучланиши 35-110 киловольт бўлган қишлоқ электр тармоқларининг узунлиги 1100 километрга етди. Кучланиши 0.4-10 киловольт бўлган қишлоқ тақсимлаш тармоқларининг узунлиги эса 29000 километр бўлди, шу жумладан буларнинг 9000 километри 1963—1964 йилларда қурилди. 1964 йилда қишлоқда яшайдиган ҳар бир киши бошига 1962 йилдагига нисбатан 27 процент кўп электр энергияси тўғри келди.

Бироқ бу соҳада қишлоқларда олиб борилаётган ишлар етарли эмас. Колхоз ва совхозлардаги хонадонларнинг 40 процентдан кўпроғи электр энергиясидан баҳраманд эмас. Электрлаштирилган колхозларда ҳам ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун электр энергиясидан яхши фойдаланилмаётир. Республикамиз областлари бўйича ҳам электр энергиясини истеъмол қилишда кескин фарқ бор. Агар Андижон, Фарғона ва Тошкент областларида яшовчи ҳар бир қишлоқ кишисига бир йилда 170-180 киловатт-соат электр энергияси тўғри келса, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Самарқанд области қишлоқларида яшовчи ҳар бир киши бошига йилига 36-38 киловатт-соат электр энергия тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш манфаатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан электрлаштиришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг маданий-маиший эҳтиёжлари учун электрдан тобора кўпроқ қўлланишни талаб этади.

Ўзбекистон энергетика системасининг қуввати мисли кўрилмаган даражада тез ўсмоқда. Шу боисдан ҳам энергетика системамиз қишлоқ хўжалигини тўла электрлаштириш вазифасини бажаришга қодирдир. Республикамизнинг шарқий чегараларидан ғарбий чегараларигача умумий узунлиги 5000 километр бўлган юқори вольтли электр узатиш линиялари тортилган. Саноат районларига йирик электростанцияларнинг нури дарёдек оқмоқда. Колхоз ва совхозларни электрлаштиришни ҳам саноатни электрлаштириш каби кенг кўламда олиб боришимиз лозим.

1965 йилда қишлоқларни электрлаштиришга 1964 йилдагига нисбатан анчагина кўп капитал маблағ сарфланади. Планга кўра 1965 йилда қишлоқ эҳтиёжи учун 360 километр узунликдаги электр узатиш линиялари; 5800 километр узунликдаги электр тармоқлари тақсимлаш линиялари ҳамда 1200 қишлоқ трансформатор подстанциялари барпо этилиши лозим. 1965 йилда 160 колхоз ва 25 совхоз электрлаштирилади, булардан кўпчилиги Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг тармоқларига уланади.

1966—1970 йилларда қишлоқларни электрлаштириш янада авж олади. 1970 йилда қишлоқда яшовчи ҳар бир киши бошига бир йилда 480-500 киловатт-соат электр энергияси тўғри келиши керак. Бу ҳозир киши бошига бир йил учун тўғри келаётган электр энергиясидан деярли 5 баравар кўпдир. Яқин беш йил ичида 2500 километр узунликдаги магистрал электр узатиш линиялари ҳамда 60 минг километр узунликдаги қишлоқ тақсимлаш тармоқлари қурилади.

1965 йилда ва келгуси беш йилликдаги қишлоқ хўжалигини электрлаштириш режаларини муваффақиятли бажариш учун Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, унинг қурилиш-монтаж ташкилотлари ва электростанцияларни ишлатаётган коллективлари, Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси, республиканинг қишлоқ хўжалик органлари ва бошқа ташкилотлари олдида катта муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси ҳамда Энергетика ва электрлаштириш министрлиги «Ўзэлектрострой» трестини қурилиш техникаси ва автотранспорт билан яхшироқ таъминлашлари, унинг ишлаб чиқариш базасини кенгайтиришлари, трестни малакали мутахассислар билан тўла-тўкис таъминлашлари, моддий ресурсларни кўп етказиб беришлари лозим. Шундай қилинган тақдирдагина, бу трест қишлоқ хўжалигини электрлаштириш юзасидан ўз олдига қўйилган катта вазифаларни дуруст бажара олади.

Бундан ташқари, қишлоқ электр узатиш линиялари қурилишида саноат усулларини кенг қўлланиш ва шу мақсадда прогрессив материаллардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш лозим. Аммо ҳанузгача ҳам қишлоқларда электр узатиш линиялари қурилишида темир-бетон таянчлардан фойдаланилмаяпти деса бўлади. Асосан, ёғоч таянчлар қўлланилмоқдаки, улар 8-10 йил ичида ишдан чиқади. Ишдан чиққан ёғоч таянчларни ремонт қилиш учун кўп маблағ сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам Энергетика ва электрлаштириш министрлиги шу йилнинг ўзидаёқ қишлоқ электр тармоқлари қурилишида темир-бетон таянчлар ва конструкциялардан фойдаланиши керак. Бунинг учун Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Главстройиндустрия» бошқармаси қарамоғидаги корхоналар коллективлари жиддий ёрдам кўрсатишлари керак. Бу корхоналар ана шу конструкциялар тайёрлашда етарли тажрибага эгалар ҳамда уларда зарур ишлаб чиқариш базалари мавжуд.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида электр узатиш линиялари лойиҳасини тузиш ва уларни қуриш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалалар борки, бу масалаларни шу яқин орада ҳал этиш керак бўлади. Республикамиз далаларида электр узатиш линиялари кенг қулоч отмоқда. Бу эса ўз навбатида ғўзани механизмлар билан парвариш қилиш ва ўримйиғим сурватига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, пахтазор устида электр узатиш линиялари кўпайиб бораётганлиги сабабли авиациядан фойдаланиш қийинлашиб борянти. Шу боисдан ҳам қишлоқларни электрлаштириш бўйича Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлими бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда электр узатиш линиялари қуришнинг шундай лойиҳасини тузиши лозимки, токи бу линиялар пахта далалари устидан ўтмасин.

Энди қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига электр энергиясини татбиқ этиш ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчимиз. Ҳозиргача қишлоқларда қурилган подстанцияларнинг 20-30 процент қуввати ишга солинган, трансформаторларнинг қувватларидан яхши фойдаланилмаётир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига электр энергиясини жорий этишга область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари дуруст эътибор бермай келяптилар. Электр энергиясидан унумли ва ҳар томонлама фойдаланаётган «Шарқ юлдузи» ва «Қизил Ўзбекистон» колхозларининг, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва «Савай» совхозларининг тажрибаси кенг пропаганда қилинмаяпти. Шунингдек, колхоз ва совхоз мутахассисларига мавжуд механизмларни электр ёрдамида ишлашга кўчириш ҳамда янги электр аппаратураларини монтаж қилишда ҳам тузук ёрдам кўрсатилмаяпти.

Эндиликда вазифа шуки, қишлоқ хўжалигидаги сермеҳнат ишлар жадал электрлаштирилиши, комплекс электромеханизация, автоматика воситалари жорий этилиши керак. Ҳанузгача ҳам колхоз ва совхозлардаги жуда кўп насос станциялари иссиқлик двигателларидан ва тракторлардан электр энергияси олаётганлигига қандай баҳо берса бўлади?! Агар насос станцияларига электр энергия марказлаштирилган усулда юборилса, чиқарилаётган ҳар бир кубометр сув учун сарфланаётган маблағ икки-уч марта кам бўлур эди.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, республика «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ҳамда Қишлоқ хўжалик министрлиги қишлоқларни электрлаштириш бўйича актив ҳамда собит қадамлик билан иш олиб боришлари лозим. Эндиликда қишлоқ хўжалигини электрлаштириш учун малакали инженер-техник кадрлар керак. Бу инженер-техник ходимлар фақат электр хўжалиги учунгина эмас, балки умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига электр энергиясини татбиқ этиш бўйича жавобгар бўлсинлар.

А. АСҚАРОВ,
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Капитал қурилиш бош бошқармасининг бош инженери.

АЗОТЛИ ЎҒИТНИ ҚАЙ ВАҚТДА СОЛИШ МАЪҚУЛ?

ҒЎЗА ВА АЗОТ

Ўғит ишлаб чиқариш ва уни қўлланиш миқёслари бизда тез кўпаёётган ҳозирги пайтда ўғитлардан мумкин қадар кўпроқ самара олиш тўғрисида ўйлаш жуда муҳимдир. Пахта ҳосилдорлигини ошириш манфаатлари минерал ўғитларни илмий асосда қўлланишни талаб қилмоқда.

Ўғитлардан рационал фойдаланиш назариясини ишлаб чиқишда академик Д. Н. Прянишниковнинг хизмати каттадир. Бу назария ўсимликлар углекислота, сув ва минерал тузлар билан озиқланишига асослангандир.

Сўнгги даврда совет олимлари ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши қонуниятларини, унинг озуқа элементларига бўлган биологик талабларини ўрганиш соҳасида катта иш қилдилар, модда алмашинувида азот, фосфор ва калийнинг роли аниқланди, минерал ўғитларнинг самарасини ошириш чоралари ишлаб чиқилмоқда.

Шунга қарамай, илмий ходимлар ва агрономлар орасида ғўзанинг ўсиши ва ривожланишининг турли даврларида озуқа моддаларига бўлган биологик талаби ҳақида турлича фикр юритилмоқда. Азотли ўғитларни солиш муддатлари ҳали илмий жиҳатдан асослаб берилган эмас. Узоқ вақттача пахта ҳосилдорлигини ошириш ва ҳосилнинг тез етилишини таъминлашда азотли ўғитларни экишдан олдин солишнинг аҳамияти инкор қилиб келинди. Вегетация даврида азотли ўғитларни бўлиб-бўлиб солиш тавсия қилиб келинди, бу эса барвақт етиладиган мўл ҳосил олиш ва маҳсулот таннархини камайтириш вазифаларига жавоб бермайди.

Ҳозирги вақтда конкрет тупроқ-иқлим шароитлари ҳисобга олинмаган ҳолда экишга қадар азотли ўғитлар йиллик нормасининг 25-30 процентини солиш, қолган қисмини эса вегетация даврида ғўзани 2-3 марта озиқлантириш колхоз ва совхозларга тавсия этилмоқда. Бу тавсияга кўра, экишга қадар ҳар гектар ерга 50 килограммдан ўғит солинади, кўп ёки оз солинса ўғит унчалик самара бермайди.

Нима учун ғўзани вегетация даврида кўп марта озиқлантириш тавсия этилди-ю, нима учун азотли ўғитларни экишга қадар солишнинг роли инкор этилди? Бу тавсиялар илмий жиҳатдан қандай асослаб берилган?

Аввало шуни айтиш керакки, илгари ғўзани озиқлантириш устида иш олиб борган кўпгина олимлар баъзи сабабларга кўра, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишининг дастлабки фазаларида азотли ўғитларнинг жуда катта роль ўйнашига эътибор бермадилар. Чигит униб чиққандан сўнг ниҳол 7-10 кунгача ердан озуқа олмайди, чигитдаги моддалар ҳисобига ривожланади. тупроқдаги азотли моддаларни 3-5 та чинбарг чиқаргандан сўнггина ола бошлайди, бундан кейин эса ўсимликнинг азотга бўлган талаби тобора оша беради, деб ҳисоблаварди.

Иккинчидан, баъзи олимлар вегетация тажрибаларига таяниб, ёш ниҳол ўғитларга жуда сезгир бўлади, азот кўп солинса, ниҳолни эзиб қўяди, ҳатто қуритиб юборади, деб ҳисоблардилар.

Учинчидан, азотли ўғитлар жуда ҳаракатчан, шу хусусиятига кўра улар нитратлар формасида тез кўтарилиб, тупроқнинг юқори қисмида тўпланади, ғўза илдизи эса тупроқнинг устки қатламидаги азотли ўғитлардан фойдалана олмайди, деб ҳисобланарди.

Юқоридаги ва шунга ўхшаш материалларга асосланиб, азотли ўғитларни вегетация даврида солиш тавсия қилиб келинди. Бундан ташқари, меҳнат ва маблағ сарфлари ҳисобга олинмай, азотли ўғитларни кеч муддатларда солиш ҳам тавсия этиб келинди. Пахтани йиғиб-териб олиш кенг миқёсда механизациялаштирилаётган ҳозирги шароитда ҳосилнинг етилишини тезлаштириш ва пахтанинг тез очилишини таъминлаш масаласи кўндаланг қилиб қўйилмоқдаки, эски тавсияларга амал қилинса бунга сира эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, пахта ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан ўсимлик дастлабки фазада қандай ривожланганлигига боғлиқдир. Ғўза ёшлигида азотдан камчилик сезса, унинг ўрнини кейинчалик озиқлантириш билан тўлдириб бўлмайди. Вегетация даврида ғўзани азотли ўғитлар билан кўп марта озиқлантириш яхши самара бермайди, вегетация органларининг тез ўсишига, ҳосил элементларининг кеч пайдо бўлишига олиб келади. ҳосилнинг етилиши кечикади, дефолиация яхши самара бермайди, машина терими қийинлашади.

Шу нарса аниқландики, барвақт етиладиган мўл ҳосил олиш учун ўсимликни шоналаш ва гуллашга олдиндан тайёрлаш керак. Ёшлигида озуқа билан яхши таъминланмаган ўсимликда мўл ҳосил тўпланмайди. Бинобарин, ғўза учун зарур бўлган озуқа моддаларини экишдан олдин солиш, экинни озиқлантириш билан эса бу моддалар запасини тўлдириш керак.

Вегетация идишларида, лизиметрларда, дала шароитида, Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида катта майдонларда ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган кўп тажрибалар шуни кўрсатдики, мавжуд тупроқ шароитларининг кўпчилигида азотли ўғитлар йиллик нормасининг кўп қисмини, баъзи ҳолларда эса ҳаммасини экишдан олдин солинса, ғўза ер бетида кўринишни биланоқ тупроқдан етарли равишда озуқа ола бошлайди. Бунинг натижасида энг аввало илдиз системаси тез ривожланади. Илдиз системасининг тез шаклланиши ва ривожланиши ғўза устки қисмининг сув ва озуқа моддалари билан тўхтовсиз ва тўла таъминлаб турилишига имкон беради. Бунинг натижасида ғўзанинг асосий поғои, барглари, ҳосил шохлари тез ўсади ва ривожланади, шунингдек ривожланиш фазаларининг ўтиши тезлашади.

Текширишлар яна шуни кўрсатдики, ўсимликнинг тез ўсиши ва ривожланиши бир қатор физиологик-биохимик жараёнларнинг тезлашуви билан боғлиқдир. Бунда йирик барглар кўпроқ ривожланади. Бундай барглар эса вегетациянинг дастлабки даврида ўзида озуқа моддаларини кўплаб тўплайди ва ҳосил органлари пайдо бўлган сари уларни пластик моддалар билан кўплаб таъминлаб туради. Шу туфайли қўсакларнинг етилиши тезлашади.

Ғўзанинг табиатига кўра, у августнинг иккинчи ярми ва сентябрнинг бошларида биологик жиҳатдан қарийди, барглари ғаллашади. Оқибатда ғўза баргини тўктириш учун энг қулай шароит вужудга келади.

Азотли ўғитларнинг асосий қисмини (70-75 процентини) экишга қадар солиш ва қолган қисмини гуллаш олдидан солиш йўли билан ёш ниҳоллар учун қулай озуқа режими вужудга келтирилса, пахта ҳосилдорлиги азотнинг 25-30 проценти экишдан олдин ва қолган қисми вегетация даврида солинган ерлардагига нисбатан гектар бошига 2,2-3,3 центнер ортади, совуқ тушгунга қадар эса гектаридан 3,5-6 центнер кўп пахта териб олинади.

Азотли ўғитлардан тўғри фойдаланишда Фарғона пахтакорларининг тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. Улар азотли ўғитларнинг асосий қисмини жуда катта майдонларга экишдан олдин ва чигит экиш билан бир вақтда солмоқдалар. Бу эса ҳосилдорликни оширишга имкон бераётир.

Азотли ўғитларни тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда экишдан олдин табақалаштириб солиш керак. Пахтакор районларда шундай колхоз ва совхозлар ҳам борки, бу хўжаликларнинг ерларида тупроқ хилма-хилдир. Унумдор, яхши ишланган бўз тупроқли ерларда ер ости сувлари чуқур жойлашган, шўр яхши ювилган бўлса азотли ўғитлар йиллик нормасининг 70-75 процентини экиш олдидан солиш, қолган 25-30 проценти билан ғўзани гул кўрсатганда озиқлантириш мақсадга мувофиқдир. Қумлоқ ва тошлоқ ерларда, шунингдек, ер ости сувлари юза жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда азотли ўғитларнинг 25-40 процентини экиш олдидан солиш, қолган қисми билан ғўзани шоналаш ва гуллаш олдидан икки марта озиқлантириш тавсия этилади.

Ўсимлик фосфор ва калий билан етарли миқдорда таъминланса, азотли ўғитларни экишдан олдин солиш юксам самара беради. Кўп тажрибаларга асосланиб, фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик нормасини ҳайдаш вақтида 27-30 сантиметр чуқурликка ва экишдан олдин 12-15 сантиметр чуқурликка солиш тавсия этилади. Баъзи сабабларга кўра, ҳайдашдан олдин ерга ўғит солинмаган бўлса, фосфорли ва калийли ўғитларнинг ҳаммасини экишдан олдин азотли ўғитларга аралаштириб ёки ўзини ўғитлагичли культиваторлар, сеялкалар билан солиш керак.

Пахтакор районлар колхоз ва совхозларининг раҳбарлари, агрономлари, бригада ва звено бошлиқлари юқорида келтирилган азотли ўғитларнинг йиллик нормасининг асосий қисмини экишдан олдин солиш тўғрисидаги тавсияларни ўз далаларида синаб кўрадилар деб умид қиламиз. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бу усул мўл ҳосил етиштиришга ва пахтанинг тез пишиб етилишини таъминлашга имкон беради.

М. МУҲАММАДЖОНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.



Тошкент области. Чирчиқ дарёсида қуввати 600 минг киловатт бўладиган Чорвоқ ГЭСи қурилмоқда. Биноларлар шу йил кеч кузида тоғ дарёсини тўсишмоқчи. Суратда: қурилиш участкаларидан бири. Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЗАФАР САТРЛАРИ

Оҳангарон шахтёрлари олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажармоқдалар. Кон устини очиш разрези коллективи квартал планни 9 кун аввал бажарди. Кўмир разрезининг механизаторлари планга қўшимча равишда 11 минг 792 тонна «қора олтин» қазиб чиқардилар.

Ю. ИГНАТОВ.

Булунғур районидаги Ленин номли колхозда қурилиш ишларини олиб борадиган махсус бригада тузилди. Бригада коллективи дастлабки кундардан бошлаб баракали меҳнат қиляпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ 28 та янги уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. 800 кишилик клуб ва шинам туғруқхона ишга туширилди. Йил охиригача янги типдаги уй-жойлардан яна 20 таси қуриб битказилади.

Н. ЮЛДОШЕВ.

Тўртқўл пахта тозалаш заводида акаука Биковлар яратган сушилка барабанларидан иккитаси ўрнатилди. Бу тадбир планга қўшимча 80 минг сўм фойда қуриш имконини беряпти. Биринчи май байрами кунигача шундай барабанлардан яна иккитаси ўрнатилади.

Н. КОРНИЛОВ.

ФЕЛЬЕТОН

МУЗЛАГАН ШИКОЯТЛАР

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ — ХАРИДОРНИНГ ШУРИ

Қани, ўзингиз мундоқ бир ўйлаб кўринг-чи, Тошкентда ишлаб чиқарилаётган «Восток 2» холодильниги нима учун сотиб олинади, рўзғорда ишлатиш — роҳатижон учунми ёки ёнбошига ўтириб олиб, пешанани тириштириб, кетма-кет уҳ тортиш учунми! Сут қўйсангиз — ачитиб қўйса, қаймоқ қўйсангиз — қайнатиб берса, уҳ тортмайсизми, ахирі! Лотереяга ютиб олган бўлсангиз-ку унча алам қилмайди-я, ичидаги ашқол-дашқолини утил-сирьёга топшириб, йиллиқ қутисини болаларга ўйинчоқ уйча қилиб бераверасиз. Аммо пешана тери билан топган пулингизга олган бўлсангиз-чи:

— Ия, ишламаяпти-ку! — дейди рафиқангиз ҳаяжонланиб, — эркак бўлмай кетинг ,шуни ҳам эплаб қўёлмадингиз-а!

— Сабр қил, ишлайди... Шароитга тушунмаётгандир... — дейсиз нима ҳам айтишни билмай.

Бир кун кутасиз, икки кун кутасиз, сизга ўхшаш эркаклардан нақ саккизтаси қўл уриб кўради ҳамки, йўқ, бўлганим шу деб безрайиб турасеради. Темир деган нарса ишламаса, ундан совуқ ва хунуги бўлмас экан. Уҳ тортасиз, ҳатто-кет уҳ тортасиз-да, «Чкалов номидаги темир буюмлари заводининг директори Иван Осипович Коваленкога...» деб бошланадиган шикоят ёзишга мажбур бўласиз. Иван Осипович эса кўп ажойиб одам. Бу кишининг ажойиблиги шундаки, меҳнаткашлардан келаётган шикоятларни темир сандиқда эмас, холодильникда сақлайди. Шикоятга тўнилган қалб ҳароратини, ҳаяжонни совутиш учунми ёки шикоятлар кўпайиб уни сақлаш учун жой етишмаётганданми, ишқилиб, шикоятки бор, холодильникда музлатиб қўйилган. Онда-сонда ёзиладиган жавоблар ҳам қалб ҳароратидан маҳрум, худди холодильникдан чиққандек совуқ бўлади.

Ўтган йилнинг 26 майида Харьков шаҳрида яшовчи Смирнова «Восток 2» холодильниги сотиб олади. Аммо у кўнгил учун лоақал бирор соат ҳам ишламайди. Тошкентга шикоят йўллашга тўғри келади. Неча ой, неча кун деганда «холодильникни ўзимизга қайтариб юборинг, ремонт қилиб берамиз» мазмунида жавоб хати олинади. Смирнова ўз ёнидан 45 сўм тўлаб, холодильникни Тошкентга «командировка» қилади. Саёҳатчи холодильникнинг совутиш аппарати алмаштирилгач, ремонт бюросининг бошлиғи Алиевский:

— Бу холодильник эмас, роҳатижон бўлди—дейди мақтаниб. Завод механиги Парамонов бўлса:

— Ремонтисиз юз йил ишламаса, отимни бошқа қўяман!—дейди-да, холодильникни яна Харьковга «командировка» қилишади.

«Роҳатижон» яна ишламайди. Ким билади, Парамонов отини бошқа қўйдими, йўқми, бунисн маълум эмас. Аммо салкам бир йилдан буён Тошкент билан Харьков шаҳарлари ўртасида ёзишмалар тўхтаган эмас.

Биттасини ўқиб кўринг: «Хурматли ўртоқ Смирнова! Кўп афсуслана-верманг, холодильникингизни яхшилаб ремонт қилиб жўнатганмиз. Электр сетидаги қувватни ўлчаб кўринг, у 210 вольтдан кам, 230 вольтдан ортиқ бўлмаслиги керак... Қувват жойида бўлса холодильник ичидаги иситувчи аппаратни горизонталь ўрнатинг, қийшайиб қолган бўлса... айб бизда эмас. Эҳтиром билан Алиевский».

Насриддин афанди афиқнантлик қилар экан, хўрандалардан бири ширин чой келтиришни сўрабди. Лекин афанди келтирган чойга шакар солинмаган экан. Хўранда эътироз билдирибди.

— Чойни қошиқ билан айлантиринг, — маслаҳат бериби афанди.

— Айлантирдим. — дебди хўранда.

— Қайси томонга айлантирдингиз?

— Чапга.

— Афсус, ўнгга айлантириш керак эди, — дебди афанди, — энди мазаси чиқмаса, мен жавоб бермайман.

Ўртоқ Алиевскийнинг Смирновага ёзган жавоби ҳам афандининг хўрандага қилган муомаласига жуда ўхшаб кетади. Қаранг-а, иситкич сал қийшайиб қолган бўлса, харидор 87 сўмга қуйиб қолаверар экан!

Қизил Ўрдада яшовчи М. Лосева ўтган йилнинг август ойида сотиб олган холодильниги бир кун ҳам ишламаганлиги тўғрисида заводга шикоят йўллади. Гарантия муддати ўтмасдан туриб, тузатиб беришларингизни сўрайман деб илтимос қилди. Шикоят бош инженер М. Волшанскийга тушиб қолган экан:

— Мана бу дардисарни нима қилай?— деб сўради директордан.

— Нима деб ёзибди, хурсанд эканми?

— Йўқ, хафага ўхшайди.

— Ундай бўлса шикоятни холодильникка ташлаб қўя қолинг-маслаҳат берди И. Коваленко.

Лосева ҳам бўш келмади. Директор билан бош инженер отпускада бўлишса керак, қайтишгач, албатта ўқиб кўришади деган умида кетма-кет шикоят йўллай берди. Ниҳоят, беш ой деганда Лосевага нима учун-дир холодильникнинг чертежи билан конструкциясининг схемасини жўнатиб, «Ўзингиз тузатиб олинг» деб «фойдали» бир маслаҳат ҳам беришди. М. Лосева эса ўзининг сўнгги хатида мана бундай деб ёзипти:

«Ҳурматли директор! Ё сиз афандисиз, ё мени афанди деб ўйлаяпсиз. Мен инженер ҳам, техник ҳам эмасман, оддий бир харидорман. Чертёж билан схемани бошимга ураманми! Холодильникнинг гарантия муддати ўтмасдан туриб, уни тузатириб беринг, вассалом. М. Лосева.».

Шикоятни ўқиб чиққан М. Волшанский директордан:

— Холодильникка ташлаб қўяверайми,—деб сўради.

— Ҳа, ичкарирогига қўйинг! — деб буюрди И. Коваленко.

Директорнинг шикоятларни музлатадиган тортмасида жамбуллик Кретова, олмаоталик Иваненко, навоийлик Абдузиёров, самарқандлик Нишоновларнинг шикоятлари ҳам сақланаётган эди. Лосеванинг сўнгги мактубини ҳам ўшалар қаторига қўшиб қўйишди.

Шундай қилиб десангиз «Восток 2» холодильнигининг сифати пастлиги, ёмон ишлаётганлиги ҳақида шикоятлар лайлак қордек ёғилиб туради. Ўтган йили биргина Тошкент шаҳрининг ўзидан юзлаб кишилардан «Е бу антиқа холодильникингизни тузаттириб беринг, ёки қайтариб олиб, истаган кишингизга сотинг» мазмунида шикоят тушди. Бу шикоятларда холодильник ишлаб чиқараётган ишчилар шаънига ҳам анчамунча аччиқ сўзлар айтилди. Директор билан бош инженерда шикоятларга нисбатан хроник қуникма ҳосил бўлиб қолган экан шекилли, парволарига ҳам келтиришмади. Қўл силтаб «Ҳаммаси бекорчиликдан, бекор ўтиргандан кейин шеър ёзишни билмаса, шикоят ёзади-да» деб қўя қолишди. Тўғри, ўтган йили тошкентликларга сотилган холодильниклардан 213 тасининг совутиш, 130 тасининг иситиш аппарати алмаштириб берилди. 344 та холодильник ишга тушиш олдидан ремонт қилиб берилди. Лекин гап бунда эмас-да. Не-не умидлар билан «роҳатижон» сотиб олсанг-у, уйга келтирмасдан туриб, енг шимариб шикоятбозликка тушиб кетсанг, алам қилади-да!

— Шундай эмасми, Ўртоқ Коваленко! — деб сўраймиз директор дан.

— Йўқ, бундай эмас, — дейди И. Коваленко.

— Қандай бўлмаса?

— Гап шундаки, ҳавонинг ҳарорати 33 градусдан ошса, холодильникимиз ишламай қолиши ҳам мумкин.

— Нима, ёз ойларида холодильнигингизни каттароқ холодильникка солиб қўйиш керакми?

— Йўқ, ундай демоқчи эмасман. Сабр қилсангиз кузга бориб ишлата берасиз. — дейди Ўртоқ Коваленко. Қаранг-а, холодильник сотиб олиб, куз қачон келар экан деб кутиб юраркамизда...

Умуман, Тошкент холодильники нима учун сотиб олинади, рўзғорда ишлатиш — роҳатижон учунми, ёки шикоятбозлик учунми? Республика партия ва давлат контроли комитетининг шикоят ва таклифлар бюросида ана шу масала қўрилганда, Ўртоқ Коваленко Ўрнидан туриб:

— Бажарамиз! — деб қўйди.

— Нимани бажарасиз?

— Сифатни яхшилаймиз, вассалом!

Мақсад ҳам шу, сифат яхшилансин, Фельетон ҳам тамом.

Маъруф ТОЛИПОВ,
Худойберди ТУХТАБОЕВ.

„ЎЗБЕКИСТОН—ДЎСТЛИК ЎЛКАСИ“

Совет Шарқининг энг йирик илмий маркази бўлиб қолган Тошкент олий ва махсус ўқув юртларида Осиё, Африка, Латин Америкаси ва бошқа мамлакатлардан келган ёшлар таълим олишяпти. Чет эллардан республикамиз пойтахтига келиб билим олаётган, кишиларимиз қандай маданий ҳаёт кечираётганини ўз кўзи билан кўриб турган студент ёки аспирант билан ҳамсуҳбат бўлган киши сухбатдошининг жонажон шаҳримиз ва унинг меҳмондўст кишилари тўғрисидаги илиқ таассуротларини эшитиб мамнун бўлади. Яқинда Тошкент қишлоқ хўжалик институтида бўлганимизда, бу ерда совет қишлоқ хўжалик фани ва тажрибаси ютуқларини зўр қавас билан эгаллаётган чет эллик студентларнинг улуғ Ленин тилида «Ўзбекистон — дўстлик ўлкаси» деб қаяжон билан айтган сўзларини эшитдик. Уларнинг чексиз миннатдорлик билан айтган қалб сўзларини келтирамиз.

«Менинг мамлакатим, — дейди нигериялик Танко Маҳмуд,—узоқ Африканинг жанубида жойлашган муъжаз ва гўзал ўлка. Империализмнинг қонли занжирини парчалаб ташлаб, ўз миллий мустақиллигимизга эришганимизга энди беш йил бўлди. Улуғ Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқаларини боғлаганимиздан кейин мамлакатимизда ҳақиқий тараққиёт даври бошланди, десам хато қилмаган бўламан. Сизларнинг, совет кишиларининг дўстона беғараз ёрдами билан ўлкамизда саноат ўчоқлари қад кўтарянти. электростанциялар қуриляпти. Ана шуларни кўз олдимга келтирарканман, дўстликнинг асл маъносини сизларнинг мамлакатингиздаги жуда кўп миллатларнинг бир-бирига чексиз ҳурмат ва эҳтиромида очиқ-ойдин кўраман.

Айниқса, мен қишлоқ хўжалиги билимларини эгаллаётган шу институтимиздаги студентлар, профессорлар, хуллас бутун коллективнинг биз, чет эллик меҳмонларга нисбатан бўлган ғамхўрликларини ифодалашга сўз тополмайман. Юрагимга бир гапни тугиб қўйганман: ўз ватанимга қайтиб боргач сизларнинг улуғ Ватанингизда қарор топган буюк дўстлик тўғрисида ватандошларимга ҳикоя қилиб бераман, социализмнинг афзалликларини айтиб бераман».

Ганаликлар ўз юртларини «Олтин Гана» деб эъзозлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Ёш суверен республика тупроғи бағрида олтин, марганец, олмос запаслари яшириниб ётганлиги аниқланган. Лекин ҳозирча бу ўлка ўзининг какаоси билан жаҳонга машҳур. Англия колонизаторлари асрлар мобайнида ўлка аҳолисини эзиб, мамлакат бойликларини талаб келган. миллий тараққиётга тўғоноқ бўлиб олган. Халқнинг беомон кураши натижасида эксплуататорлар қувғин қилиниб, мустақилликка эришилгач, миллий тараққиёт сари қадам қўйилди. Аммо мамлакат хўжаликлари малакали мутахассис кадрларга жуда-жуда муҳтож. Ҳозир халқ партияси ана шу вазифани ҳал қилишга алоҳида эътибор берянти. Ануну Ричард Самуэль ана шулар тўғрисида гапириб, миллий мутахассис кадрлар етиштиришда Совет Ўзбекистони улар учун, бутун Африка давлатлари учун намуна эканлигини айтди.

Ганалик студент Тошкентда кечираётган мазмунли кунлари тўғрисида гапирар экан, сизнинг шаҳрингизда ўзимни худди она тупроғимда яшаётгандек ҳис қиляпман, деди. Унга шаҳар ва унинг юксак маданияти, сўлим табиати, айниқса меҳмондўст ва хушмуомала одамлари жуда ҳам ёқиб қолибди. Шунинг учун ҳам у республикамиз пойтахтини дўстлик ва биродарликнинг ажойиб символи деб атади.

Маҳбул Аҳмад (Яман Республикаси), Абдулло Амирий (Афғонистон), Самбуу (Мўғулистон), Ноэль Пересс (Куба), Ижоу Маунг (Бирма)лар ҳам Совет Иттифоқи халқларнинг улуғ дўстлиги жамул-жам бўлган мамлакат эканлигини зўр ҳаяжон билан таъкидладилар. Улар дўст бўлиб, янги ҳаёт қуришни Совет Иттифоқи халқларидан ўрганиш кераклигини айтдилар. Узоқ ўлкалардан келиб билим, тажриба орттириш билан бирга халқимизнинг қалби ва қон-қонига сингиб кетган дўстлик, самимийлик, камтарлик фазилатларига қойил бўлган бу дўстларимиз ўз юрак сўзларини институт ҳузурида жамоатчилик асосида ишлаётган СССР халқлари дўстлиги университетининг навбатдаги машғулотида айтишди. Улар бу университет машғулотларига актив қатнашиб турадлар. Шунингдек, университет машғулотида институтнинг профессор. ўқитувчи ва студентлари ҳам сўзга чиқиб, совет халқлари ленинча дўстлигининг буюк муваффақиятлари, СССРнинг дўстликка асосланган ташқи сиёсати тўғрисида фахр билан гапирдилар.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
8 АПРЕЛЬ, 1965 ЙИЛ
№ 81 (13.037).

Халқаро ОБЗОР

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

СОВЕТ—ПОЛЬША ДЎСТЛИГИ ТОШ-МЕТИНДЕК МУСТАҲКАМ

ВАРШАВА, 6 апрель. ТАСС-нинг махсус мухбирлари Г. Киселев ва В. Кузнецов хабар берадилар:

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг Польша Халқ Республикасига сафари вақтида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Польша шартномасининг муддати узайтирилади. Совет партия-ҳукумат делегациясининг бу сафари бутун поляк жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Халқ Польшасининг меҳнаткашлари бу сафарни Совет Иттифоқи билан Польша ўртасидаги бузилмас дўстликнинг ёркин ифодаси, социалистик қўрилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш гарови деб ҳисобламоқдалар.

«Голос праци» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: бизнинг минг йиллик тарихимизда социалистик Польшанинг Совет Иттифоқи билан дўстлиги каби гоят самарали дўстлик илгари ҳеч қачон бўлмаган эди, бутун халқимизнинг мақсадлари ва манфаатларига бунчалик муносиб бўлган шартнома илгари ҳеч қачон бўлмаган эди.

«Трибуна люду» газетаси ёзади: шартнома муддатининг узайтирилиши ҳаётнинг барча соҳаларида Совет — Польша ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Совет — Польша шартномасининг 20 йиллиги мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида тантанали суратда нишонланмоқда. Бугун Польша — Совет муносабатлари тарихига доир пойтахтда очилган илмий сессия ана шу воқеага бағишланди. Жуда кўп фотовиставкалар ҳам очилди. Варшавадаги фотовиставка «дўстлик, ёрдам, ҳамкорлик» деб аталади. Совет — Польша дўстлиги тўғрисида жуда чиройли қилиб безатилган «умумий йўл» альбоми кўп нусхада нашр этилди. Тантанали йиғилиш ва кечалар ўтказилмоқда. Меҳнаткашлар бу йиғилиш ва кечаларда Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг янгиланишини мақтаулламоқдалар.

Бугун Варшавада СССР ва Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокаралар яна бошланди. Совет меҳмонларининг меҳмондўст Польша ери даги визити давом этмоқда.

ЖАҲОНДАГИ КИШИЛАР, БИР МИНУТ ЎРНИНГИЗДАН ТУРИНГИЗ!

СОЮЗЛАР УЙИНИНГ КОЛОННА ЗАЛИДА УЧРАШУВ

6 апрелда Союзлар уйининг колонна залида пойтахт ёшлари қаршилик ҳаракатининг қатнашчилари ва фашист қамоқ лагерларининг собиқ тутқунлари билан учрашдилар. Тақдир тақозоси билан улар урушдан кейин мамлакатнинг турли шаҳарлари ва қишлоқларига тарқалиб кетган эдилар. Эндилликда уруш ветеранлари Совет комитетининг ташаббуси билан улар фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги арафасида Москвага тўпланишди.

В. Мураделининг «Бухенвальд бонги» деган қўшиғининг оҳанги янграйди. Ажалга бетма-бет дуч келган, крематорийларнинг бурқсиган тутунлари орасида нафас олган одамлардан жуда кўп кишилар бу залда тўпландилар. Улар москвалик болалар хори айтаётган қўшиқ сўзларини фикран такрорламоқдалар. Крематорийларда қуйдирилганларнинг кули уларнинг қалбидан жой олгандек, газаб бонги бўлиб янграёт. гандек сезиларди. Уруш ветеранлари Совет комитети раисининг ўринбосари, армия генерали И. В. Тюленев учрашувни очиб сўзлаган нутқида, шунингдек Зансенхаузен қамоқ лагеридагиларни озод қилишда қатнашган генерал-майор И. И. Шчитов-Изотов, Италияда ҳаракат қилган рус партизанлари зарбдор батальонининг командири В. Я. Переладов, композитор Вано Мураделли ва бошқалар ўз сўзларида ана шулар ҳақида гапиришди.

Улар ҳуқуқсизлик ва мутлақо ҳимоясизлик шароитида, тиконли симлар билан ўраб олинган қамоқ лагерларида фашист жаллодларига қарши фидокорона курашга қўзғолдилар, чехлар, французлар, поляклар, итальянлар, антифашист немислар, бошқа халқларнинг намояндалари билан бирга қаршилик ҳаракатини ташкил этишда қатнашдилар.

Бухенвальд лагерининг собиқ тутқуни, мана шу «ажал» лагерида махфий кураш олиб борган азаматларнинг раҳбарларидан бири Н. Ф. Кюнг сўзга чиқиб бундай деди:

— Германия Федератив Республикасининг ҳукумати нацист жиноятчиларни оқламоқчи бўлиб турганлигини кўриб тинчий олмаймиз. Ахир, миллион-миллион кишиларни, шулар орасида болаларни ҳам қириб ташлаганлар мана шу нацист жиноятчиларнинг ўзларику.

Ҳеч бир гуноҳсиз одамларга гитлерчилар нақадар ёмон азоблар берганликлари тўғрисида, қамоқ лагерларидаги вахшиёна қийноқлар, таҳқирлашлар тўғрисидаги, тарихнинг энг мудҳиш даврларида ҳам одамзод бошига тушмаган мана шу азоб-уқубатлар тўғрисидаги гапларни Москва ёшлари диққат билан қулоқ солиб тингладилар.

Қаҳр-ғазаб сўзлари билан тўла резолюция қабул қилинди. Қаршилик ҳаракатининг собиқ курашчилари ва фашист қамоқ лагерларининг собиқ тутқунлари, Москва ёшлари Ғарбий Германиядаги реваншчиларнинг нацист ҳарбий жиноятчиларни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетди, деган баҳона билан уларни оқламоқчи бўлганликларига қарши, бундесверни атом қуроли билан қуроллантириш ниятига қарши ўз норозиликларини шу резолюцияда ифодаладилар.

КХДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН, 6 апрель. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Япония ҳукуматининг қўғирчоқ Пак Чжон Хи тўдаси билан тузган ҳар қандай битими бутун корейс халқи томонидан танилмаган тақдирда ҳар қандай қонуний кучдан маҳрум бўлади.

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати, дейилади баёнотда, корейс халқининг Япония ҳукумати олдига қўйган репарация даъволари каби ҳал этилмаган масалалар, балиқ овлаш масаласи ва Япониядаги корейс граждан лари тўғрисидаги масала бутун корейс халқининг хоҳиш-иродасини ифода этадиган Кореянинг ягона ҳукумати тузилганидан кейингина корейс ва япон халқларининг манфаатларига мувофиқ одилона ва оқилона ҳал этилиши лозим, деб ҳисоблайди.

ХЕЛЬСИНКИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

ХЕЛЬСИНКИ, 6 апрель. (ТАСС). Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган кунга бугун 17 йил тўлди. Пойтахт жамоатчилигининг неча бу ерда ўтказилган тантанали мажлиси ана шу кунга бағишланди.

Мажлисда Финляндия президенти У. К. Кекконен, парламент раиси К. А. Фагерхольм, бош министр И. Виролайнен, Финляндия ҳукуматининг аъзолари, таниқли жамоат арбоблари, шунингдек СССРнинг Финляндиядаги элчиси А. Е. Ковалев ҳозир бўлдилар.

Мажлисда ташқи ишлар министри А. Карьялайнен нутқ сўзлади. У. мазкур шартнома ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда самарали роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

Министр «ҳар иккала томон ҳамжиҳатлиқка ҳамжиҳатлик билан, дўстлиқка дўстлик билан ва ишончга ишонч билан жавоб қайтарди» деди. А. Карьялайнен яхши қўшничилик муносабатлари тобора ривожланаётганлиги ҳақида гапириб, Ленинградда ва Турку да консулхоналар таъсис этиш ҳақида ва Хельсинки билан Таллин ўртасида пароходларнинг бевосита қатновини бошлаб юбориш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келинганлигини айтди. Ҳар иккала мамлакатнинг жамоатчилиги, деб уқтириб ўтди А. Карьялайнен, дўстлик тўғрисидаги шартномани астойдил қўллаб-қувватламоқда.

«СССР — Финляндия» жамиятининг бу ерга келган делегацияси бошлиғи, РСФСР соғлиқни сақлаш министри В. В. Трофимов Финляндия халқига Совет халқининг саломини топширди.

Шу кунларда Совет — Финляндия шартномасининг йиллигига бағишланган кечалар Финляндиянинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказилмоқда.

ЯПОНИЯДА ЗАБАСТОВКАЛАР ТЎЛҚИНИ

ТОКИО, 6 апрель. (ТАСС). Бугун бутун Япония бўйлаб забастовкалар бошланди. Забастовкаларда мамлакатдаги хусусий корхоналарнинг 630 минг ишчи ва хизматчиси иштирок этмоқда. Улар иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитларини яхшилашни талаб қилиб чиқмоқдалар.

Химия саноати ишчиларининг касаба союзлари федерацияси забастовкага бошчилик қилмоқда. Бу федерация составига кирган 42 касаба союз ташкилотидан 9 таси бугун 24 соатлик, қолганлари эса муддатсиз забастовка эълон қилди. Кемасозлар, металлистлар ярим кун давомида иш ташламоқдалар. Токио, Осака ва мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларида эрталабдан бошлаб 60 мингга яқин такси кўчаларга чиқмади. Такси ҳайдовчилар ўз талабларини ёқлаб икки соатдан тортиб қирқ саккиз соатгача ишга чиқмадилар. Хусусий радио эшиттириш ва телевидение касаба союз аъзоларининг забастовкаси натижасида бир неча соат давомида телевизор экранлари томоша кўрсатмай қўйди.

Хусусий корхоналар ишчиларининг бугунги бирғаликда амалга оширган ҳаракатларини Япония меҳнаткашларининг баҳорги бирғаликда курашини ўтказиш комитети уюштирди. Япония касаба союзларининг бош совети ва бетараф касаба союзлар федерацияси ана шу комитет составига киради. Бу ташкилотлар 6 миллион 700 минг кишини ўз атрофига бирлаштирган.

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ДЕҲЛИ, 6 апрель. (ТАСС). Кеча бу ерда Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг сессияси очилди.

Биринчи мажлисда коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвада бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви натижалари тўғрисида Ҳиндистон Коммунистик партиясининг вакили Дангеннинг доклади тингланди ва Маслаҳат учрашуви қатнашчилари қабул этган ахборот муҳокама қилинди.

Сессия мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига тааллуқли муҳим масалаларни ҳам муҳокама қилади.

АГРЕССОРЛАРНИНГ КЎРГАН ТАЛАФОТИ

ХАНОЙ, 6 апрель. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги «Озодлик» агентлигининг хабарига асосланиб, қуйидагиларни билдиради. кейинги уч ой мобайнида Америка ва Жанубий Вьетнам қўшинлари Жанубий Вьетнам партизанларига қарши олиб борилган жангларда улардан 35 мингга яқин киши, шу жумладан американликлардан 1.086 киши ўлдирилди, яралар қилинди ва асир олинди.

Партизанлар Американинг 205 самолётини уриб туширдилар, яксон қилдилар ва аэродромларда шикастлантирдилар. 44 кемани ботирдилар. 250 ҳарбий машинани бузиб ташладилар ва турли калибрдаги 700 тўпни ўлжа қилиб олдилар.

ҲАВО ҚАРОҚЧИЛАРИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 6 апрель. (ТАСС). ВИА агентлиги хабар беради: Америка авиацияси кеча Вьетнам Демократик Республикаси территориясига қароқчиларча ҳужум қилган вақтда халқ армиясининг қисмлари 4 самолётни уриб туширдилар ва кўпгина самолётга шикаст етказдилар.

Нге Ан вилоятида Американинг 3 самолёти ва Винь Линь районида эса 1 самолёти уриб туши рилди.

ФУТБОЛ

Иккинчи мағлубият

Кеча марказий «Пахтакор» стадионида мамлакат биринчилиги учун «А» класс иккинчи группасида қатнашаётган «Политотдел» командаси Таллиннинг «Динамо» командаси билан учрашди.

Ўйин 2:0 ҳисоби билан меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

8 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек классик куйлари. 9.30 — Кичик концерт. 9.45 — «Франциядаги ўзбек партизанлари» (тож.). 10.10 — Совет экрани куйлари. 10.30 — Қўшиқлар. 10.50 — Реклама ва эълонлар. 11.10 — «Авиаторларнинг янги марралари» (суҳбат). 11.20 — Камер куйлар. 13.40 — Концерт (рус.). 16.15 — СССР халқ артисти Тамарахоним (концерт-очерк). 18.00 — «Алангали йиллар қиссаси». 18.30 — Ўзбек операларидан парчалар. 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Капиталистик мамлакатлар ишчилар синфининг ҳозирги даврдаги кураши» (рус.). 20.10 — Фортепьяно концерти. 20.45 — Ленин куплари олдидан. «В. И. Ленин — Совет давлати ва Коммунистик партиянинг асосчиси». 22.00 — Қардош социалистик мамлакатларда. 22.10 — Қувноқ куйлар. 22.40 — Ҳ. Назир. «Ова қалби» ҳикояси (рус.). 23.20 — Концерт. 00.01 — Рус куйлари.

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар.** 20.50 — **Здоровье тележурнали.** 21.30 — **Икки Фёдор** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IV да **Чио-Чио-Сан** («9 апрель» штампи билан сотиб олинган билетлар 8/IV га ярайди).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IV да **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IV да **Нурхон**, 9/IV да янги спектакль **Гули сиёҳ.**

Кино

Севги деб (1 ва 2-серия) — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «МОСКВА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6-15 минут ва 9 да).

Ўтган йўлингга боқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кеч 7 яримда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 4 дан), «ДРУЖБА» (кеч 9-15 минутда).

Рельслар орасида — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 яримгача), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 3, 4, кеч 8 ва 10 да).

Рим журналисти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тақдирга қарши — «ВОСТОК» (кичик залда кундуз ва кечқурун).

Телевидение

8 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.20 — **Ҳиқоялар** (мактаб ўқувчилари учун). 19.00 — **Цехдаги янгиликлар** (саноат ходимлари учун). 19.20 — **«Бородино жанги»** панорамаси. 19.50 — **Уйимиздаги эркак** номли бадиий фильмнинг 1-серияси.

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

БАҲОР-ЕЗ МАВСУМИГА

турли фасон, модель ва размерда

ҳар хил пойафзал сотилмоқда

ИККИНЧИ ҚАВАТДА

эркаклар учун:

кўн ва резина тагчармли хром полуботинналар, усти сунъий кўндан сандалетлар, текстиль полуботинналар, усти рангли мовутдан уй туфлилари, спортивналар.

УЧИНЧИ ҚАВАТДА

хотин-қизлар учун:

ўртача ва баланд пошнали модель пойафзал, ингичка баланд пошнали ёзги оёқ кийимлари, кўн ва резина тагчармли «лодочка» туфлилари, турли рангда чуваклар, рангли мовутдан уй туфлилари.

1165 ❊ ЛЕЙПЦИГ ЯРМАРКАСИ ❊ 1965*)

Журналист блокнотидан

Шаҳар ҳайвонот боғи ўз арслонлари сони ва зотининг ниҳоятда кўп ва хилма-хиллиги билан машҳур экан. Лейпцигнинг герби ҳам — арслон. Шаҳар бир вақтлар баланд девор билан қуршалган бўлса-да, ҳозир ундан ном-нишон қолмаган. Немислар, айниқса лейпцигликлар шаҳар герби ва деворини гоят мароқли изоҳлайдилар, ниҳоят гўзал бир афсонага элтиб тақайдилар. Немис халқи поэтик ижодиётининг энг дилбар намуналаридан бўлган ушбу афсона ҳақида сўзлаб беришни жуда-жуда истасам ҳам, лекин бунга имконим йўқ, чунки юбилей ярмаркаси тўғрисида бир нарса дейишим керак.

Биз ярмарка даргоҳига қадам қўймасданоқ унинг энг катта қатнашчиси — СССР эканини билардик. Чунончи, Совет Иттифоқи бу гал ярмаркада эгаллаган майдон мамлакатимиз 22-йили биринчи бор қатнашиб, эгаллаган майдондан роса юз марта катта эканини ҳам яхши билардик. Лекин ярмаркада бўлишимиз, ва айниқса совет павильонини кўришимиз билан бу ҳайратомуз тафовутлар ҳам ҳеч гап бўлмай қолди! Ярмаркага кириб, совет павильонида бўлмаган киши умуман Лейпциг ярмаркасини кўрганман, деса бекор айтибди. Чунки ўнлаб бошқа павильонларда бирор марта ҳам бўлмаган кўплаб кишиларни учратсангиз учратардингиз-у, лекин совет павильонида бир эмас, бир неча бор бўлмаган бирор кишини топиш амри маҳол эди. Қўшқават, гоят улкан ва кўркам сарой-павильонимизнинг улкан дарвозаларидан бирига кириб, иккинчисидан чиқиб кетгач узлуксиз одамлар оқимини кўрганимда кўнглимга шу гаплар келди.

Мамлакатимиз ярмарканинг етмишта қатнашчисидан биригина бўлса ҳам, лекин унда намойиш қилинган ҳар бир ўн экспонатнинг бири бизники эди. Яна, қанақа экспонатлар, денг! Мана, павильонимизга кирганимда тўлдириб олган ён дафтаримни варақлаяман. «Ленин» атом музёрарининг икки-уч метрли макети. Бир гуруҳ немис мактаб ўқувчилари унинг ёнида туриб суратга тушишмоқда. Нарида яна бир неча гуруҳ ўқувчилар навбат кутиб турибди. Фотограф ҳам шу жажжи ўғил-қизалоқларнинг физика муаллими, «Бета-2» атом установкамиз ники кун аввал Лейпциг ярмаркасининг олтин медали ва дипломини олибди. Атом қувватини бевосита электр қувватига айлантириб берадиган бу установка ёнидан, шунингдек Курчатов номли Белояр атом электростанцияси макети олдидан одам аримайди. Нарироқда «Яшнаётган Сибирь» панорамаси баланд залнинг бутун деворини эталлаб турибди. Унинг рўпарасига гигант Красноярск ГЭСининг катта макети ўрнатилган. Овози магнитофон лентасига ёзиб олинган диктор сон-саноқсиз меҳмонларга мамлакатимизнинг электр қуввати ишлаб чиқаришдаги улкан зафарларини такрор-такрор сўзлаб бермоқда.

Павильонимизнинг навбатдаги бўлимига ўтаётиб, таассуротлар дафтарига кўзим тушади. Ундан ён дафтаримга айрим ёзувларни кўчириб оламан: «Радиоэлектрон саноатингиз катта ютуқларга эришибди. Бу соҳада жаҳон даражасида турибсиз, деб ҳисоблайман», дейди Дрезден (ГДР)даги марказий телевизион лаборатория инженери (имзосини аниқ ўқий олмадим). Софиялик (Болгария) инженер Тодор Б. Тодоров бундай деб ёзибди: «Совет павильонидаги Радиоэлектроника бўлимини кўриш шарафига муяссар бўлдим. Кварцли фильтрларни калибрловчи янги асбоблар, сигнал-генераторлар, рангли телевизорлар ҳамда транзистор приемниклар бир дунё янгиликлардир. Совет дўстларимиз яна кўпроқ тараққиётга эришувини тилаймаман». Кубалик студент қиз С. Роге дугонаси билан шу бўлимни кўздан кечиргач, ўз таассуротларини ёзиб қолдирган. «Бу бўлимнинг экспонатлари, — дейди у, — бизда зўр таассурот қолдирди. Улар ажойиб ишлайди. Социалистик мамлакатларда бундай радиоприёмник ва телевизорларга қизиқиш жуда зўр. Яшасин Куба—Совет дўстлиги! Яшасин тинчлик! Ватан ёки ўлим! Биз ғалаба қиламиз!». Немис инженери Дитер Никель 10 км/с тезлик билан ишлайдиган «С1-23» осциллограф машинасини ГДР сотиб олиши мумкин, деган фикрни билдиради.

Совет техникаси янгиликлари кўпдан-кўп мутахассисларни қизиқтиради. Айниқса французлик, даниялик ва швейцариялик инженерлар ва йирик фирмалар вакиллари программа билан ишлайдиган «6А12Л» маркали вертикал-фрезер станогимизнинг ишлашини синчиклаб кузатадилар. Ярмарка олтин медали ва дипломига сазовор бўлган «УКР-IК» маркали кўмир қазиб чиқарадиган комбайннинг иш унуми ҳаммани ҳайратга солди. Соатига 80 тонна кўмир — ҳазил гап эмас, ахир! Бутуниттифоқ «Станкоимпорт» бирлашмасининг ажойиб экспонатларидан бири — экрани оптика ҳамда координатларни олдиндан белгиловчи асбоби бўлган «2А-450» маркали координат-йўниш станоги энг яхши жаҳон намуналари даражасида бўлиб чиқди. Совет енгил ва юк автомобиллари, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, ўрмон, нефть, химия ва тўқимачилик саноатида, қурилишда ишлатиладиган хилма-хил машиналар, кўплаб медицина аппаратураси, турли маркали соатлар, мўйна, гилам, чолғу асбоблари ва ҳоказо... бениҳоя кўп экспонатларимиз совет кишисининг олий заковати, оташ қалби, моҳир қўли тўғрисида, унинг бахтли ва фаровон ҳаёти, юксак мақсади ва орзу-тилаклари, порлоқ истиқболи ҳақида сўзлар эди.

Ярмарка эгаси ва мезбон — Германия Демократик Республикаси намойиш қилган экспонатлар тахсинга сазовордир. Бу мамлакат электрон саноатининг ўзигина 150 дан ортиқ янги машина ва асбоблар кўрсатди. ГДРнинг станокозслик ва химия корхоналари ярмаркада етакчи ўринда бўлди.

Немис дўстларимиз экспонатларидан бири ёнида айниқса биз, ўзбекистонликлар хотирасида сақланиб қоладиган манзара юз берди. Биз бу экспонат ўтган йили ёзда Тошкентда бўлган «Робур» юк машинаси эканини таниган эдик. Машинанинг бошқа шериклари ярқираб турган ҳолда, у роса уринган эди. Маълум бўлишича, «Робур» мамлакатимиз, жумладан Ўрта Осиё йўлларида узоқ кезиб, синовдан муваффақиятли ўтибди. Ҳаридорларга тавсия этиладиган молларни шу тарзда синовдан ўтказиш енг қўлланилар экан. Бир қанча мамлакатларда бўлганидек, Германия Демократик Республикасида ҳам ана шундай синов ишлари билан шуғулланадиган махсус миллий бошқарма бор. «Карл Маркс номли Лейпциг университети ҳузуридаги товаршунослик институтининг Ғарбий Африка соҳилларида бўлган экспедицияси, — деб ёзади ярмарка газетаси «Мессе-Эхо», — четга чиқариладиган молларнинг тропик иқлимга чидамлилиги тўғрисида қимматли маълумотлар келтирди. Синаб кўриш бошқармасининг топшириғи билан профессор Брунке раҳбарлигида ўтказилган бу илмий сафар вақтида юздан ортиқ корхона «Рюген» теплоходига турли хил буюмларни, жумладан химия ва фармоцевтика саноати, умумий ва транспорт машинасозлиги, электротехника ва озиқ-овқат саноати молларини келтирди. 4 ой давом этган сафар вақтида олимлар 460 буюмни тропик шароитда синовдан ўтказдилар, 6 мингга яқин ўлчов ишларини бажардилар. Очиқ ҳавога чиқариб қўйилган моллар 51 градуслик иссиқ таъсирида синалди».

Лейпциг юбилей ярмаркасида ўн бир социалистик мамлакатдан бўлган уч юз ташқи савдо бирлашмаси кенг қатнашди. Чехословакия, Венгрия, Польшанинг энг янги саноат ускуналари, Хитой Халқ Республикасининг оптика ва электр асбоблари, металлургия ва тўқимачилик буюмлари, ёш Куба Республикаси келтирган экспонатлар социалистик дунёнинг шаҳдам қадамлар билан ривожланаётганини, социализм капитализмдан беқиёс устинлигини намойиш қилади.

Бу сафар Лейпциг ярмаркасининг Англия, Франция, Италия, Австрия, Швеция, Япония сингари энг кекса қатнашчилари қаторидан Осиё, Африка ва Латин Америкасининг яна бир қанча ёш давлатлари ҳам жой олгани иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро майдонда тубли ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлганидан ёрқин далолат бериб турар эди. Бу дунё эски, капитализм дунёсига эмас, янги ва қудратли социализм ва коммунизм дунёсига таяниб улгаяётгани ярмарка павильонлари, бўлим ва экспонатлари тилида ҳам акс этиб турди.

Қардош Германия Демократик Республикасининг қадимий шаҳри гўзал Лейпциг билан, шаҳар тенгдоши — гоят файзли ярмарка билан хайрлашувимиз ажойиб бир воқеага тўғри келди. Ўша кезлари расмий давлат визити билан Бирлашган Араб Республикасида бўлган ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг президент Жамол Абдил Носир билан дўстона суҳбат чоғида тушган сурати жуда катта ҳажмли яхлит фотоқоғозларга кўчирилиб, бутун шаҳарга жуда тез ва кенг тарқатилди. Бу бежиз эмасди, албатта. Бу оддий сурат бўлмай, балки ғарбдаги қасосчи немислар, уларнинг океан ортидаги илҳомчилари ва мададкорлари қилган машъум мўлжаллар емирилаётганидан, ишчи ва деҳқон немислар давлати жаҳон майдонида тобора кўпроқ обрў-эътибор ва иззат-ҳурмат орттираётганидан бир ёрқин далолат эди.

Бизнинг кўп кишилик делегациямиз Лейпциг юбилей ярмаркасидан илм-фан ва техника прогрессига оид жуда кўп янгиликлар олибгина қайтмай, шунингдек немис дўстларнинг янги ҳаёт барпо этиш йўлидаги фидокорона кураши, катта ютуқлари тўғрисидаги, илиқ меҳмондўстликлари ҳақидаги бой таассуротлар билан ҳам бойиб қайтди. Инсоннинг яратувчилик меҳнати, қардош қалбларнинг ҳарорати тўғрисидаги бу таассуротлар сира сўнмайди.

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

Лейпциг—Тошкент.

*) Охири. Боши «Совет Ўзбекистони»нинг 7 апрель сонида.

РАДИОТРАНСЛЯЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ДИРЕКЦИЯСИНИНГ АБОНЕМЕНТ БЎЛИМИ

УЙ РЕПРОДУКТОРЛАРИ УЧУН

уч программали

„ПТВ-61“ ПРИСТАВКАЛАРИ

сотади

Нархи — 5 сўм (илгариги 16 сўм 80 тийин ўрнига).

«ПТВ-61» приставкаси билан радиоэшиттириш тармоқларидан биринчи республика программасини, марказий эшиттириш программасини ва «Маяк» программасини эшитиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 13-уй, телефон 2-51-87, 3-17-10.

896-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

ўйл ишчилари, бетончилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Эркак ва хотин-қизлар ётоқхонаси бор.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Янгийўл шаҳри (8-гишт заводлари бошқармаси территориясида).

Калинин район, Қатортол қишлоқ совети территориясида турувчи **Ҳошим Назаров**нинг шу ерда турувчи Марҳамат Назарова (Шоюрова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

«Совет Ўзбекистони» газета редакциясига кечқурун ишлаш учун **малакали ўзбекча машинистка**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Правда Востока кўчаси, 26-уй, 57- хона.

Шомаҳмудов кўчаси, Айрилиш проезд, 38-уйда турувчи **Шоиноят Турсунов**нинг Ленточная кўчаси, 97-уйда турувчи Насиба Турсунова (Ғиёсова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Парковая кўчаси, 16-уй, 1/13 квартирада турувчи **Екатерина Михайловна Филипов**анинг Семипалатинск шаҳар, Жанасемей, Аэропорт кўчаси, 1-уй, 1-квартирада турувчи Николай Ефимович Филиповдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 41-уйда турувчи **Зарифа Абдуллажоновна Тўрабеков**анинг Олма проезд, 2-тупик, 31-уйда турувчи Самат Иброҳимовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Якуб Колас кўчаси, 43-уйда турувчи **Евгений Сергеевич Романов**нинг Мискин кўчаси, 32-уй, 13-квартирада турувчи Нина Петровна Романовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543 Р. 08548. № В. 81.